



## БАРЧА ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ – ИНСОН ОМИЛИ, БАХТИ, САЛОМАТЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИГА ҚАРАТИЛГАН

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев аҳоли ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида 5 июнь куни Фарғона вилоятига келди.**

Бутун дунёни пандемия жиддий хавотирга солган бўлса-да, ҳаёт давом этмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, Фарғона вилоятида ҳам жорий йилда барча соҳаларда кўзланган мақсадларга эришиш йўлида изчил саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти. Пировард мақсад эса одамларни бугунги ҳаётдан рози қилиш, ислохотларнинг самарасини ҳис этишдир.

Бу борада вилоятда 2019-2022 йилларда умумий қиймати 26,5 триллион сўм бўлган 688 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган бўлиб, жорий йилнинг ўзида 544 та лойиҳада 7,6 триллион сўмлик инвестицияларни ўзлаштириш кўзда тутилган. Амалга оширилган ишлар натижасида бугунги кунга қадар 571 та лойиҳада 6,8 триллион сўм инвестиция ўзлаштирилиб, 11 мингта янги иш ўрни ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Қўштепа тумани-

даги «Турсунов Юсуфжон ери» фермер хўжалигида бўлди. Бу ерда 50 гектар ғалла, 30 гектар пахта етиштирилмоқда. Президентимиз ғалла ривожини кўздан кечирди. Гектаридан 82 центнер ҳосил олиш кутилмоқда.

Шу ерда қишлоқ хўжалиги соҳаси мутасаддилари ва қўштепалик фермерлар билан мулоқот бўлди.

— Ҳар бир ҳудуднинг ери, ресурслари, имкониятлари ўзига хос. Бугун Фарғонага келишимиздан мақсад — бу имкониятларни тўлиқ сафарбар қилиб, одамларга иш ўрни, даромад манбаи учун шароит яратиш, ҳар бир туман бўйича аниқ режа шакллантириш. Қандай меҳнат қилсак, шундай ҳаёт бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Хўжалик даласи ёнида «Grapes and Gardens Investment» компанияси томонидан интенсив боғ ҳам яратилган. 100 гектарда ўрик, 52 гектарда гилос экилган. Томчилатиб сугориш, сунъий соя қилиш ускуналари ўрнатилган.

Испания ва Франциядан келтирилган ўрик нави-нинг ҳосилдорлиги жуда юқори. Бу экспортда муҳим омил бўлади. Бугунги кунда боғ участкалари кооперация асосида тажрибали тадбиркорларга берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари дарахт қаторлари орасига саримсоқлиёз ва дуккаки экинлар экиш, бундай

боғларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу ерда қишлоқ хўжалиги ва агросаноат лойиҳалари тақдими ўтказилди. Хусусан, ўрмон хўжаликлари ва «Меҳригиё» корхонаси ҳамкорлигида доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлаш, томорқачиликни ривожлантириш, сувдан оқилона фойдаланиш, томчилатиб сугоришни кенг жорий этиш, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш каби лойиҳалар тақдим этилди.

Бугунги кунда юртимиз табиатида учрайдиган шифобахш ўсимликлардан дори-дармон ва препаратлар ишлаб чиқариш юзасидан изчил ишлар амалга оширилмоқда. «Меҳригиё» корхонаси доривор ўсимликларни етиштириш ва уларни қайта ишлаш асосида 130 га яқин шифобахш чой, шарбат ва асалли маҳсулотларни тайёрлайди.

Азалдан инсон саломатлигини мустаҳкамлашда доривор ўсимликлардан кенг фойдаланилган. Бу замонавий тиббиётда ҳам ўз исботини топганки, пировардида фитотерапия йил сайин тараққий этиб бораётди. Корхонада нафақат юртимиз табиатида учрайдиган, балки хориждан келтирилган наботот намуналарини парваришлаш ҳам йўлга қўйилган.

Давоми 2-бетда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ БОЖХОНА МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари (кейинги ўринларда — божхона органлари) фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон божхона ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг стандартлари ва тавсияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштиришни талаб этади.

Шу билан бирга, «қоғозсиз ва электрон божхона» лозим даражада ривожланма-япти, контрабанда, контрафакт маҳсулотларни олиб ўтиш, коррупция, ноқонуний валюта операциялари ва божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлашга қарши курашиш усуллари божхона маъмуриятчилигининг замонавий ва синовдан ўтказилган усулларини қўллашни талаб этмоқда.

Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш, божхона органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш, «қоғозсиз ва электрон божхона»нинг мантқий давоми ва ривожланиши бўлган «рақамли божхона»ни шакллантириш, шунингдек, божхона иши соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишни жадаллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) божхона органлари фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг қуйидаги йўналишларини ўз ичига олган 2020–2023 йилларда божхона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш **концепцияси** (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

б) божхона соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш;

в) мавжуд куч ва воситаларни оптимал қўллаган ҳолда божхона органлари фаолияти ва инфратузилма объектларининг

институционал асосларини ривожлантириш;

рақамли иқтисодиёт доирасида замонавий ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини божхона соҳасига жорий этиш орқали божхона органлари фаолияти шаффофлиги ҳамда самарадорлигини таъминлаш;

божхона органларининг фискал функцияларини амалга оширишни такомиллаштириш, ташқи иқтисодий фаолиятни (кейинги ўринларда — ТИФ) тариф ва нота-риф жиҳатдан тартибга солишни соддалаштириш;

контрабанда ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига қарши курашиш;

божхона органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакаси ва маҳоратини янада ошириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш;

халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар божхона хизматлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш;

б) 2020–2023 йилларда божхона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблағлари; халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорлар кредитлари (қарзлари), грантлар ва техник кўмак маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Давоми 2-бетда

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 4 ИЮНЬ КУНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДА ЙЎЛ ВА КЎПРИК ЛОЙИҲАСИ БИЛАН ТАНИШДИ



Сергели туманини пойтахтимиз маркази билан боғловчи йўл ва кўприк лойиҳасининг умумий қиймати 280 миллиард сўмдан зиёд. Мазкур лойиҳага кўра, Чўпонота кўчаси ва Кичик ҳалқа йўли кесиммасида 583 метрлик йўл ўтказгич барпо этилади. Бу чорраҳадан Тошкент ҳалқа йўлигача янги кўча қурилиб, ҳалқа йўли остидан туннель орқали ўтказилади ва Қипчоқ кўчасида қуриляётган янги кўприкка туташади. Жами 5,6 километрлик бу йўл соатига 3 минг транспорт воситасини ўтказиш қувватига эга бўлади.



ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ПИЁДАЛАР ВА ВЕЛОСИПЕДЛАР ҲАРАКАТИГА КЎПРОҚ ШАРОИТ ЯРАТИШ ЗАРУРЛИГИНИ ҚАЙД ЭТДИ.



Тошкент шаҳрининг транспорт концепцияси геоинформацион тизим орқали шаҳардаги транспорт ва йўловчилар оқимини таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган. Ундан мақсад, аввало, хавфсизлик, қулайлик ва иқтисодий самарадорликдир.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИШ НАТИЖАСИДА ЙИЛИГА 19 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ЁНИЛГИ ТЕЖАЛИШИ, 129 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ТАХМИНИЙ ЗАРАРИНГ ОЛДИ ОЛИНИШИ ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИНГАН. АВТОБУСЛАР СОНИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ЙИЛИГА 2,5 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ИҚТИСОДИЙ САМАРАГА ЭРИШИШ МУМКИН.



“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АЖ ТОМОНИДАН ҚИЙМАТИ 83 МИЛЛИОН ДОЛЛАР БЎЛГАН 7 КИЛОМЕТР УЗУНЛИҚДАГИ СЕРГЕЛИ ЕР УСТИ МЕТРОСИ ВА УНИНГ “ЧОШТЕПА”, “ТОШКЕНТ ҲАЛҚА ЙЎЛИ”, “СЕРГЕЛИ”, “АФРОСИЁБ”, “ҚИПЧОҚ”, “ЧИНОР” БЕКАТЛАРИ БАРПО ЭТИЛМОҚДА.

# БАРЧА ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ – ИНСОН ОМИЛИ, БАХТИ, САЛОМАТЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИГА ҚАРАТИЛГАН

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз экологик тоза дори-дармонлар турини кўпайтиришда илмий-тадқиқот институтлари олимлари билан ҳамкорликни кенгайтириш лозимлигини қайд этди.

Сув таъминоти билан боғлиқ муаммолар дунёда йилдан-йилга долзарб бўлиб бормоқда. Шунинг учун Фарғонада сувдан оқилона фойдаланиш, бу борада тежамкор технологияларни жорий этишга 50 миллион доллар ажратиладиган бўлди.

Мамлакатимизда асосий даромад манбаларидан бўлган аҳоли хонадонларидаги томорқадан самарали фойдаланиш бўйича махсус тизим яратилган. Президентимиз бу тизим имкониятларидан фойдаланилмаётгани, “Томорқа хизмати” иши сезилмаётганини кескин танқид қилди.

Шундан сўнг Президентимиз Тошлоқ туманидаги “Ўз-Сеган” қўшма корхонаси иш жараёни билан танишди.

Фарғона вилоятидаги мева-сабзавотчиликка ихтисослашган Қувасой шаҳри, Олтиариқ, Бешариқ, Фарғона, Қува ва Учқурик туманларида 20 та кластер фаолият юритмоқда. 2020-2021 йиллар давомида мазкур кластерлар томонидан умумий қиймати 253,4 миллиард сўмлик 172 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Мамлакатимизда озиқ-овқат экинлари майдонини кенгайтириш, янги боғлар, айниқса, интенсив боғлар барпо этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки серкўш юртимизда етиштирилаётган экологик тоза, сархил мева-сабзавотлар хорижда ҳам харидоригр бўлиб, юқори нуфузли брендага — товар белгисига айланмоқда. Бу борада мева-сабзавотчилик кластерлари ташкил қилиниб, соҳада кўп йиллик тажрибага эга, махсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш инфра-тузилмаси бор тадбиркорларнинг бунга жалб қилингани яхши самара бермоқда.

Фарғонада боғдорчилик бўйича катта тажриба мактаби бор. Бу ерда етиштирилаётган ўрик, шафтоли, олхўри, нок, гилос, анжир, анор, беҳи, узум, помидор, бодринг, пиёз, саримсоқпиёз ва бошқа кўплаб мева-сабзавотлар бугун кўплаб давлатларга экспорт қилиняпти. Жорий йилда мева-сабзавотчилик корхоналари томонидан 288 минг тонна махсулот етиштирилиб, 120 минг тоннасини экспортга йўналтириш режалаштирилган. Бунинг учун сизими 330 минг тоннадан ортиқ бўлган музлаткичли оಂಬорхоналар, 25 та логистика маркази, 90 та қайта ишловчи корхона фаолият кўрсатмоқда.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Ўз-Сеган” қўшма корхонаси йилига 16 минг

тонна қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилиш қувватига эга. Бу ерда 100 миллиард сўм эвазига замонавий логистика маркази ташкил этилган. Италия, Туркия, Жанубий Корея ва Хитойдан илгор технологиялар келтирилиб ўрнатилган.

Масалан, Италиянинг ICEOL технологияси гилосни ранги ва катталиги бўйича саралаб, қадоқлайди. Сифатсизларини лазер нури орқали аниқлаб, алоҳида жойлайди. Жанубий Кореядан келтирилган SNP линияси анорни худди шундай саралайди. Меванинг ичидаги пишмаган ёки чирий бошлаган жойни ҳам аниқ кўрсатади. Бу харидорлар ишончини қозониб, экспортни ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда. Корхона махсулотлари “Global G.A.P.” халқаро сертификатига эга.

Жорий йилда Хитой, Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари, Польша, Россия, Қозоғистон каби давлатларга 20 миллион долларлик махсулотлар экспорт қилинади. Компанияда 250 нафар йигит-қиз иш билан таъминланган.

Президентимиз бу корхонани доимий хомашё билан таъминлаш масаласига аҳамият қаратди. Бунинг учун унга худуддаги боғларни бириктириш, янги боғлар ва лаборатория ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Бугун давлатимиз иқтисодий сиёсатининг асосий моҳияти — маҳаллийлаштириш, рақобат, иш ўрни, даромад. Ҳар бир корхонани ташкил этишга шу нуктаи назардан ёндашилмоқда.

Фарғона туманида ишга туширилган “Эко-керама” масъулияти чекланган жамияти ҳам шундай.

Бу ерга таширф чоғида Президентимиз Шавкат Мирзиёев юртимиз фойдали қазилмаларга бойлиги, лекин улар асосида тайёрланадиган материаллар катта миқдорда четдан келтирилаётганига эътибор қаратди.

Масалан, Андижон вилоятида кальцит, Самарқандда кварц, Тошкент вилоятида каолин, Қашқадарёда дала шпати ва Фарғонада доломит хомашёси бор. Лекин ийлига қарийб 650 минг тона сантехника товарлари импорт қилинган.

— Шунча имконият бўла туриб, биз кимни боқяпмиз? Халқимизни боқсак бўлмайдими? — дея ҳақли савол қўйди Президент. — Мамлакатимизнинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир бойлиги аҳоли жон бошига даромадни кўпайтиришга хизмат қилиши керак.

“Экокерама” йилига 500 минг тона 20 турдаги сантехника махсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Яъни импортнинг аксарият қисми ўрнини тўлдиради. Бундан ташқари, минтақамиз давлатларида 50 миллион долларлик бозор бор. Корхона қувватини ошириб,

махсулотларнинг 60 фоизини экспортга йўналтириш режалаштирилган. 100 фоиз маҳаллий хомашёдан фойдаланилиши ҳамда энергия тежовчи технологиялар қўлланилиши сабабли “Экокерама” махсулотлари хорижий муқобилларига нисбатан арзон бўлади.

Корхонанинг лойиҳа қиймати 15 миллион доллар. Жумладан, 11 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестиция жалб этилган. Ҳозир 500 киши иш билан таъминланиб, тест режимида дастлабки буюмлар тайёрланган.

Давлатимиз раҳбари бу корхонани кластерга айлантириш, карьерлар ажратиб бериб, камида 30 йиллик хомашё захираси билан таъминлаш зарурлигини таъкидлади. Корхона махсулотларини сотишда кўмаклашиш, хусусан, қурилиш материаллари бозорларида дўконларини ташкил этиш, давлат томонидан қурилаётган объектларда бу сантехника буюмларидан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берди. Ўз навбатида, компания раҳбариятига махсулотлар номенклатурасини кенгайтириш, бошқа вилоятларда ҳам шундай корхоналар очиб, янада кўп ёшларни иш билан таъминлаш тасвия қилинди.

Шу ерда Фарғона вилоятида жорий йилда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари тақдироти ўтказилди. Хусусан, энгил санатдаги лойиҳалар самарасида пахта толасини қайта ишлаш ҳажми кескин ошади. Жорий йил якунида калава ип қайта ишлаш даражаси 56 фоизга, келгуси йили 71 фоизга етади. Илгари вилоятда жами 80 миллион долларлик пахта толаси оддий хомашё сифатида сотилган бўлса, бу йил қарийб 314 миллион долларлик тайёр махсулот экспорт қилинади. Бу кўрсаткичи 2021 йилда 540 миллионга, келгусида 1 миллиард долларга етказиш режалаштирилган.

Умуман, вилоятда 2020 йилда 913 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 62 минг 375 та иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Марғилондаги Хунармандлар марказини бориб кўрди.

Марғилон азалдан хунармандлар шаҳри бўлган. Яқинда бу ерда моҳир уста Иброҳимжон Султонов ташаббуси билан давлат-хусусий шериклик асосида Хунармандлар маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди. 600 нафар уста фаолият бошлаб, 200 дан ортиқ турдаги атлас ва адрас тўқиш, гиламчилик, маиший хизмат, тикувчилик, хунармандчилик махсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Улар томонидан 2 минг нафарга яқин хотин-қиз, ёшлар ишга жалб этилди.

— Менинг энг катта ислоҳотим — ҳар бир оиланинг нури бўлган оналарни, хотин-қизларни рози қилиш. Сизларнинг кўзингиздаги ишонччи, умидни кўриб бахтиёр инсонман. Аёлларни қанча рози қилсак, Яратган бизга

куч-қудрат, юртимизга тинчлик-осойишталик беради. Бутун дунё пандемия оқибатида катта қийинчиликка учраяпти. Ҳеч ким ишонмагани, шу шароитда мана шундай корхоналар ишга тушира оламиз деб. Бу — Фарғонадаги ўзгаришларнинг бошланиши, қалдирғочи. Худо хоҳласа, натижаларимиз бундан ҳам юқори бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Икки қаватли марказнинг куйи қаватида атлас, адрас, шойи, баҳмал, беқасам матолар тўқилади. Биринчи қаватдан тайёр махсулотлар кўргазмаси, подиум, чевархона ўрин олган. Бу ердаги дўконда матога гул чизиш, боғлаш, давра, қад тайёрлаш жараёнлари кўргазмалари тарзда намойиш этилади.

Бинонинг юқори қаватида гилам Ҷеҳи жойлашган. Бу ерда барча махсулотлар тўлиқ қўл меҳнати ёрдамида, 100 фоиз тоза ипақдан тўқилади.

Хунарманд Иброҳимжон Султоновнинг “Исмоилжон гиламлари” корхонаси махсулотлари бутун дунёга машҳур. Хунармандлар марказида ҳам махсулотларнинг сифати юқори. Асл ипакка табиий бўёқлардан гул чизиб, мато тўқилади. Шу боис бу махсулотларга ҳозирдан харидор тайёр. Гиламлар асосан Туркияга, атлас, адрас матолар АҚШ, Италия, Франция, Россия, Қозоғистон, Тожикистон каби мамлакатларга экспорт қилинади.

Ҳозир чеварларга 3,5 миллион сўмгача маош берилади. Марказ 600 ишчига мўлжалланган, хотин-қизларнинг қолгани касаначилик асосида уйда ўтириб меҳнат қилади.

— Утган йили Кўконда ўтказилган Халқаро хунармандчилик фестивалида бутун дунёдан келган хунармандлар махсулотларини кўриб катта завқ олдим ва келаси йили ўзимнинг алоҳида хунармандлик мактабинини очаман деб ният қилгандим, — дейди Иброҳимжон Султонов. — Бу ерда Фарғонанинг қадимий хунарлари тарғиб қилиниши баробарида хотин-қизлар бандлиги таъминланди. Марказимизда биргина атласнинг 160 дан ортиқ тури тўқилади. Бу орқали қадимий хунармандчилик аъёнларимизнинг келгуси авлодларга етказиб, халқимизнинг бебаҳо маданий мероси сифатида яшаши учун замин яратамиз.

Марғилон — Фарғона водийсининг туристик манзилларидан бири. Хунармандлар маркази ушбу шаҳарнинг сайёҳлик салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Осори-атикалар билан танишган сайёҳлар бу ерга келиб атлас, адрас тўқиш жараёнини бевосита кузатиш имконига эга бўлади, ҳам ўзи хоҳлаган махсулотни харид қилади, шу ердаги чевархонада ўз дидига мос либос тикириб кийиб кетаверади. Марказ биносида банк шохобчаси фаолият кўрсатади, фотогалерея ташкил этилган.

Марказда ҳафтанинг муайян кунинда миллий матолардан тикилган либослар кўргазмалари ўтказилади. Бу билан Марғилон хунармандчилик аъёнларини дунёга намойиш этиш ҳам ички туризмни ривожлантириш кўзда тутилган. Бунинг учун хориждан дизайнерлар жалб этилган.

Ҳозир айна пилла мавсуми. Фарғона туманида 32 мингта мавсумий ишчи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда. 4 минг 800 та доимий иш ўрни яратилган. Туманда тўт кўчати етиштириш хўжаликлари, пилла қурти уруғи заводи, 5 та пиллани қайта ишлаш корхонаси, бундан ташқари, мато, тайёр кийим-кечак тикадиган ўндан ортиқ корхона бор.

— Ўзбекистонда ипақ саноати корхоналари тўлиқ кластер тизимига ўтди. Яъни озука базасини тайёрлашдан бошлаб пилла боқиш, ипақдан мато, тайёр кийим-кечак ва бозорбоп гиламлар тўқиш йўлга қўйилди, — дейди “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси раиси Баҳром Шарипов. — Бу йил Фарғона вилоятида 1 минг 950 тонна пилла етиштирилади ва тайёрланган махсулотларнинг 90 фоизи экспорт қилинади. Вилоятда ўтган йили 5 миллион долларлик махсулот чет элга сотилган бўлса, бу йил 8 миллион долларга етказиш режалаштирилган. Бу ипақ саноати корхоналарининг иқтисодиётимиздаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир.

Шу ерда вилоятда ипақчилик соҳасида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари ҳақида маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари тармоқ корхоналарига ер ажратиб, иш ўринларини кўпайтириш, одамларга ҳозирги йилин шароитда иқтисодий ёрдам бериш зарурлигини таъкидлади.

Президентимиз Фарғона вилоятида камбағал аҳоли билан ишлаш тизими бўйича амалга оширилаётган ишлар билан ҳам танишди. Вазирликлар ва тижорат банклари томонидан бу борада Тошлоқ тумани мисолида лойиҳалар ишлаб чиқилган бўлиб, давлатимиз раҳбари тақдимот чоғида айрим банклар ҳамон янгича ишлашга ўтмаганини танқид қилди.

Мутасаддиларга Тошлоқ мисолида вилоятнинг барча туманларида иссиқхоналар, паррандачилик, пиллачилик, қўвчилик кластерлари ташкил этиб, камбағал оилалар бандлигини таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

Президентимизнинг Фарғона вилоятига таширфи давом этмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
**Матназар ЭЛМУРДОВ,**  
**Маъсулжон СУЛАЙМОНОВ,**  
**ЎЗА махсус мухбирлари**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# БОЖХОНА МАЪМУРИЯТ ЧИЛИГИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

3. Белгилансинки:

а) **2020 йил 1 августдан** темир йўл транспорти ташкилотлари ўзларининг ахборот тизимларини божхона органларининг ахборот тизимларига интеграциялаш орқали божхона назорати остидаги вагон ва контейнерларнинг мамлакат ичидаги ҳаракатлари ҳақидаги маълумотларни божхона органларига реал вақт режимида бегараз тарзда тақдим этадилар;

б) **2020 йил 1 сентябрдан** “Ягона дарча” божхона ахборот тизими чегара божхона постларида жорий этилади;

в) **2020 йил 1 ноябрдан:** шундай тартиб ўрнатилгани, унга мувофиқ божхона юк декларациясини расмийлаштириш вақти хавф даражасидан келиб чиқиб, 3 суткадан 1 кунгача қисқартирилади;

божхона назоратининг муқобил турларини қўллашнинг кенгайтириш орқали товарларни божхона ҳамроҳлигида кузатиб бориш ҳолатлари қисқартирилади, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг хавфларни бошқариш тизими автомобиль чегара божхона постларида жорий этилади; транспорт воситаларини вақтинчалик олиб киришда ташувчи реал вақт режимида электрон шаклда қайта олиб чиқиш мuddати туғашдан олдин вақтинчалик олиб кириш мuddатини узайтириш ва тегишли йиғимни тўлашни амалга ошириш имконияти тақдим этилади;

“Божхона худудиди қайта ишлаш” божхона режимида қайта ишлаш махсулотларининг чиқиш нормасини идентификациялаш ва баҳолаш услубияти тадбиркорлик субъектининг ўзи томонидан ишлаб чиқилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклансин: божхона назорати шакли сифатида товарлар чиқариб юборилгандан кейин ТИФ иштирокчиси фаолиятини баҳолаш ҳамда уларнинг товарлар ва транспорт воситалари чиқариб юборилгандан кейинги ҳисобини текширишни назарда тутувчи божхона аудитини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида санитария-карантин, фитосанитария ва ветеринария назорати органларининг (кейинги ўринларда — назорат органлари) ТИФни нотариф тартибга солиш чораларини қўллаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

товарлар импорти ва экспорти тузилмаси ҳамда динамикасининг чуқур ҳолатий таҳлилини, шунингдек, импорт ҳажми ҳам жисмоний, ҳам қийматий ўсишининг сабаблари таҳлилини амалга ошириш; ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ва саноат кооперациясини кенгайтириш масалалари бўйича манфаатдор идоралар билан ҳамкорлик ўрнатилиш.

5. Божхона органларига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

товар ва транспорт воситалари устидан улар сақланадиган ва сотиладиган жойларга чиққан ҳолда, божхона аудитини амалга ошириш; олиб кириладиган ва (ёки) олиб чиқиладиган товарлар ва транспорт воситалари ҳисоби, жумладан, бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи ҳужжатлари, шунингдек, дастлабки ҳужжатлар юритилиши устидан текширувни амалга ошириш.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тузилмасида умумий штат бирликлари доирасида:

а) Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилиши қарши курашиш бошқармаси **Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бош бошқармаси** этиб қайта ташкил этилсин ва унга қуйидаги

қўшимча вазифалар юклансин: товарларни божхона режимларига жойлаштириш фактини текшириш;

божхона юк декларацияси ва божхона кимим ордерида кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларда қайд этилган маълумотлар билан таққослаш ва текшириш;

товарларга нисбатан преференциялар тўғри қўлланилганиги, божхона тўловлари тўлиқ унидриланганиги, шунингдек, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва валютани тартибга солиш талабларининг бузилиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни текшириш ва урганиш;

божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар тўғри қўлланилганлиги ва товарларнинг божхона қиймати тўғри аниқланганлигини текшириш;

шартли равишда чиқариб юборилган товарларни тасарруф этиш бўйича чекловларга риоя этилишини текшириш;

товарларнинг божхона расмийлаштирувида тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилиш ва текшириш;

ТИФ товар номенклатураси бўйича товарларнинг тўғри таснифланганлиги ва божхона расмийлаштируви тўғри амалга оширилганлигини текшириш;

божхона соҳасида фаолият олиб борувчи шахслар томонидан божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишини текшириш;

божхона операцияларини амалга оширишда ноқонуний (“кўланг”) схемаларни аниқлаш ва бундай ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш бўйича профилактика ишларини ўтказиш;

б) Божхона экспертизаси ва ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасини юритиш

бошқармаси **Ташқи иқтисодий фаолиятда нотариф тартибга солишни назорат қилиш ва божхона экспертизаси бошқармаси** этиб қайта ташкил этилсин ва унга қуйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

назорат қилувчи органлар томонидан ТИФни амалга оширишда рухсатнома ва бошқа тусдаги ҳужжатлар олиниши лозим бўлган ҳамда лицензияланадиган ва квоталанадиган товарларга нисбатан нотариф тартибга солиш чоралари қўллашни мувофиқлаштириш;

назорат қилувчи органларнинг товарларни олиб кириш ва (ёки) олиб чиқишда улар томонидан тақиқларни қўллаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

“Ягона дарча” божхона ахборот тизимини қўллаш ва тақомиллаштириш услубиятларини ишлаб чиқиш;

интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрини юритиш;

экспорт назорати объектларининг божхона расмийлаштируви устидан назорат қилиш услубиятини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур Фармоннинг моҳияти, шунингдек, “Йўл харитаси”ни амалга ошириш жараёнини ёритиш бўйича мақолалар ҳамда мавзуга оид телекўрсатувлар ташкил этсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Тошкент шаҳри, 2020 йил 5 июнь

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Бунёдкорлик

# СЕРГЕЛИ ЕР УСТИ МЕТРОСИ ШУ ЙИЛНИНГ СЕНТЯБРЬ ОЙИДА Фойдаланишга топширилади



Музаффар Абдуллаев олган суратлар.

Мамлакатимиз пойтахти Тошкентнинг Сергели тумани шаҳримизнинг энг катта, кўркам ва йил сайин ривожланаётган туманларидан бирига айланб бормоқда. Бугун бу ерда янги замонавий аҳоли яшаш мавзеси пайдо бўлди.

**Рустам ХАЙДАРОВ,** “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг ахборот-таҳлилий медиа маркази мутахассиси



Иновацион, тежамкор технологиялар қўлланилган ҳолда, ахборот-коммуникация соҳасининг сўнгги янгиликлари ҳам жорий этилади. Утган вақт давомида 6 та бекатнинг 5 тасида уларнинг оралиғидаги таъин устунлар учун пойдевор қуйиш ишлари Германия технологияси асосида бурғилаш услубида олиб борилди. Эстакадаларнинг таъин устунлари тўлиқ ўрнатилди. Шунингдек, бекатларга эскалатор ўрнатиш учун пойдевор, гишт териш, ташиқ фасадни мрамар билан қоплаш, электр симларини ётқириш ишлари ҳам якунига етмоқда.

Тошкент метрополитени Сергели линиясининг “Чоштепа” бекати Чилонор йўналишидаги “Олмазор” ер ости бекати билан боғланади. Айни пайтда бу ерда рельсларни ётқириш бошлаб юборилган. “Чоштепа” бекати янги линиянинг эстакада шаклидаги дастлабки бекати бўлади. Ундан кейин эса “Тошкент ҳалқа йўли” бекати келади. “Сергели”, “Афросиёб”, “Қўлчоқ” бекатларида ҳозирги пайтда асосий қурилиш ишлари низоҳатга етказилиши борабора, пардозлаш ва том қисмини ёпиш ишлари ҳам олиб борилляпти. Барпо этилаётган барча бекатларни безатишда замонавий қурилиш материалларидан фойдаланилиб, миллий меъморчиликнинг энг яхши намуналари ўзининг ифодасини топади, замонавий қулайликлар яратилади.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ва Россиянинг “Метротревога” акциядорлик жамияти ўртасида ҳар бири 4 вагондан иборат 5 та метро поездини (жами 20 та вагон) харид қилиш бўйича шартнома имзоланган. Уларнинг барчаси тайёрланиб, юртимизга келтирилди. Келгусида Тошкент метрополитени учун яна 10 та поезд харид қилиниши кўзда тутилган.

Муҳтасар айтганда, Сергели ер усти метросини шу йилнинг сентябрь ойида фойдаланишга топшириш вазифасини ўз вақтида юқори сифат билан бажариш учун бунёдкорлик ишлари барча жабҳада қизғин давом этмоқда.

Охириги 3 йилда туманда 19 минг 522 хонадонли 460 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. Намунавий қурилишдаги 26 та маҳалла гузари барпо этилди. Шу даврда бу ерга 100 мингдан зиёд аҳоли кўчиб келиб, жами аҳоли сони 276 минг нафардан ошиб кетди. Сергели тумани пойтахт маркази билан, асосан, Янги Сергели кўчаси орқали боғланган. Аҳоли сонининг ортиб бориши эса шундоқ ҳам тирбанд, автобуслар тикилинч бўладики ушбу кўчага қўшимча юклама бўлади. Бу эса ушбу туманда истикомат қилаётган аҳоли учун қўлай ва хавфсиз транспорт коммуникацияси тизимини янада ривожлантиришни тақозо этади. Бундай шароитда ер усти метроси жуда кўп келади.

Айни пайтда эстакада шаклидаги ер усти метросининг бунёд этилаётгани ушбу муаммони ҳал этишда муҳим ўрин тутди. Президентимиз бу масалага доимий эътибор қаратиб келмоқда. 29 май куни Сергели тумани фаоллари билан ўтган учрашувда ҳам транспорт инфратузилмасини ривожлантириш чоралари муҳофизат қилиниб, Сергели ер усти метросини жорий йил сентябрь ойида фойдаланишга топшириш вазифаси қўйилди. Давлатимиз раҳбари 4 июнь куни Тошкент шаҳрида янги йўл ва кўприк лойиҳаси билан танишар экан, пиледалар ҳаракати учун шароит яратиш баробарида одамларнинг ҳаловати, саломатлиги устувор бўлиши кераклигини таъкидлади. Аслида ер усти метросини лойиҳалаш давридаёқ худди шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу йирик лойиҳани ҳаётга татбиқ

# УЛУҒ ХАЛҚ ҚУДРАТИ ЖЎШ УРҒАН ЗАМОН

**Ғайрат МАЖИД,** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари

Яқинда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев аҳоли учун яратилаётган шароитлар, фуқаролар ҳаётини яхшилаш, фаровонлигини ошириш йўлида қилинаётган ишлар билан танишиш мақсадида Тошкент шаҳрининг Сергели тумани ва пойтахт вилоятининг Зангиота туманига борди. Ижодкор бўлганим учунми, кўнглимдан ҳаловат қочди.

Ўша жойларни бориб кўришим, юртдошларимизга яратилган ва яратилаётган имкониятларга бевосита гувоҳ бўлишим керак, ахир. Танишувини Сергели туманидаги кўп қаватли уйлардан бошладим.

Мана, Сергели туманидаги кўп қаватли уйлар. Болалар майдончалари. Янги хонадонларда яшовчи аҳоли ва меҳмонларнинг сайру саёҳатлари учун яратилган шарт-шароитлар.

Биттагина жумла билан айтиладиган бўлсам, бир инсон учун нима зарур бўлса барчаси мўҳайё.

Шу бинолар орасида ўн олти қаватли иморат алоҳида ажралиб турибди. Ташқи кўриниши билан эътиборни тортадиган бу иморат замонавий ютуқлар асосида зилзилага бардошли қилиб қурилган. Деворларидан энергия тежовчи материаллардан фойдаланилган. Интернет тармоғи, видеокузатув ва ёнгин хавфсизлиги ускуналари билан жиҳозланган. Уй 2-3 хонали 80 та хонадондан иборат бўлиб, кам таъминланган ва муҳтож оилаларга топширилгани ҳақиқий маънодаги саховатдир.

Йиллар давомида ижарама-ижара у уйдан бу уйга, бу уйдан у уйга кўчиб юриш машаққатини ҳамма ҳам билмавермайди. Уларнинг шодлиғи таърифу тавсифлардан юксакдир. Кўнглимиздан кечгани бу бўлди: “Ўз элдошларим, янги хонадонларингизда тўй-томашлар қилинг”.

Рост гап, агар юртимизга икки-уч йил олдин келган киши бу каби ўзгаришларни кўриб ҳайрат бармоғини тишлашига шубҳа йўқ. Яширишга не ҳожат, ҳатто ўзимиз ҳам давлатимиз раҳбари 2016 йили сентябрда беш йил давомида Сергели туманида 500 та кўп қаватли уй қурилишини айтганида, кўпчилик қатори ушбу хушбағдардан низоҳатда

қувонган эдик. Қисқа вақтда бу ерда катта, замонавий шаҳарча бунёд бўлди. Шу давр мобайнида кўчиб келган аҳоли халқпарвар саховатли замондошларимизни дуо қилиб яшамоқда.

Сергели туманининг 5-А мавзесида жойлашган тўрт қаватли 329-умумий ўрта таълим мактаби биносини кўрган кишининг кўзи қувнайди. Худо хоҳласа, ўқувчи ёшларимиз янги ўқув йилини ана шу шинам, кенг, ёруғ, ҳамма имкониятларга эга бўлган замонавий синфхоналарда бошлашади. Шу маънода таълим ва тарбия ўчоғи ҳисобланган ушбу янги бинолар тумандаги болалар ва ўсмирлар ҳамда ота-оналар учун мўносиб совға бўлди.

Биласиз, бугунча энг катта мактаблар 700 уринли бўларди. 329-умумий ўрта таълим мактаби эса 680 ўқувчига мўлжалланган. Эңдиликда бу мактабда таҳсил олувчи ёшлар умумий ўрта таълим сабоқларидан ташқари хунар ҳам ўрганишлари имконият яратилгани алоҳида эътиборга молик. Унга асос солишда Президент мактаблари таърибасидан фойдаланилгани давлатимиз томонидан таълим сифати ҳамда ривожига, фарзандларимизнинг билимли, салоҳиятли, одобли бўлиб камол топишлари катта эътибор қаратилганнинг ёрқин далилидир.

Назаримда, Президентимизнинг: “Ўғил-қизлар хунар ўрганса, ўзига ишончи ортади, дунёқараши ҳам ўсади, ота-онасининг ҳам кўнгли тўқ бўлади. Кейинчалик ижтимоий муаммоларни бартараф этишга маблағ сарфламаслик учун бугун шу маблағни мактабларга беришимиз керак. Болаларимизни ватанпарвар, жамиятга керакли инсон қилиб тарбияламасак, келажакда хиёнат қилган бўламиз”, деган сўзларида Ватан, миллат, халқнинг ёрқин келажаги учун қайғураётган улуг қалб соҳибини кўрамиз.

Сергели туманида барпо этилган 10 гектар богда йирик гулли магнолия, фотиния фразери, қора қарағай, арча, мингдан зиёд манзарали дарахт экилган. Аҳолининг кўнглили хордиқ чиқариши учун ресторани, савдо шохобчалари, гул расталари ташкил этилган. Буларнинг барчаси шу халқнинг фаровонлиғи, юртининг ободлиғи учун барпо қилингандир.

Коронавирус пандемияси бутун дунёга тарқалиб, инсонлар ҳаётига катта хавф солиб турибди. Шундай юртимизда ўз вақтида қурилган чора-тадбирлар, халқимизнинг карантин қоидаларига амал қилиши ва сабр-тоқати билан бу офат жилловланиб, ёйилиб кетишининг олди олинмоқда. Қисқа фурсатларда даволаш-профилактика муассасалари ва карантин зоналари қурилгани бунда муҳим омил бўлди. “Чеклов кунлари” бўлишига қарамай, юртимизда кечаётган бу каби бунёдкорлик ишлари замирида халқимизни бу хавфдан талафотсиз олиб чиқиш



Ғайрат Мирзиёев олган сурат.

мақсади ётибди. Зангиотада қурилаётган кўп тармоқли махсус шифохона одамлар соғлиғини сақлашга мўлжалланган. У ердаги қурилиш ишларининг жадал суръатини кўриб қувонсан киши. У ерга боришим билан қувувчи йигитлардан бири Толмас Халиповга дуч келдим. Мақсадининг билган, шифохона билан таништиришга тушиб кетди. Қабул бўлими, карантин зонаси, лаборатория ва муолажа хоналари, санитар-ювениш жойлари — ҳамма-ҳаммаси замон талабларига мос қилиб қурилган. Бир қарашда бу ердаги имкониятлар беш колдузи меҳмонхоналардаги шарт-шароитлардан асло қолишмайди.

— Биласизми, хоналарнинг ҳаммаси ҳимояланган, ҳар бир хона алоҳида, беридаги ҳаво боқсакча ўтмайди, — дея ҳаяжонланиб сўзлай кетди Толмас Халипов. — Уларга кириб-чиқиш ҳам, хизмат кўрсатиш ҳам алоҳида. Шифохонага келган беморлар қабул бўлимидан тўғри ўз палатасига жойлаштирилади.

Шифохонада бир вақтнинг ўзиде икки минг киши даволаниши учун имконият яратилган. Керак бўлса, буни тўрт мингга ҳам етказиш учун ички имкониятлар етарли экан. Кардиология, неврология, педиатрия каби барча бўлимлар замонавий тиббиёт техникаси ва махсус компьютерлар билан жиҳозланади. Беморларга ташхис қўйиш, шундан келиб чиққан ҳолда даволаш ишларининг ўзига хос тартиби жорий этилади.

Одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш, халқ саломатлигини асраб-авайлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш эзгу ва хайрли ишлардан саналади. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг бу борада жонқуярлик билан ташаббус кўрсатганига бугунги пандемия шароитида дунё ахли тан берди.

Соғлиқни сақлаш борасида амалга оширилган тезкор ислохотлар тўғрисида минглаб юртдошларимизнинг ҳаёти дунёдаги мураккаб шароитда юкмул касаллик бағосидан асраб қолинди. Зангиотада қурилаётган янги шифохона ҳам ана шу тиббиётнинг самараси бўлади.

Қишлоқ хўжалиги

# ИЛМИЙ АСОСЛАНГАН ТАВСИЯЛАРГИНА ЮҚОРИ ҲОСИЛ ВА ДАРОМАД КЕЛТИРАДИ

**Комилжон КОМИЛОВ,** Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали директори

Андижон вилоятида ҳар қарич ердан унумли фойдалана олган фермергина самарали натижаларга эга бўлади. Шу билан бирга, янги ерларни ўзлаштириш имконияти чекланган Фарғона водийси ҳудудида фермер ёки томорқачи фақат илмий асосланган тавсиялар билангина экинлардан юқори ҳосил ва салмоқли даромад олиши мумкин.

Бир вақтлар мутахассислик ва етарли билимга эга бўлмаган одамлар ҳам фермерликни ҳавас қилганди. Бироқ замон фермер етарли билимга эга, креатив фикрловчи инсон бўлиши кераклигини кўрсатди. Бунинг учун эса кластер тизимига, биринчи навбатда, фермер хўжалиқларига замонавий техника-технологиялардан хабардор малакали етуқ мутахассислар керак.

Давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифидан давомида Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиали базасида алоҳида қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасасини ташкил этиш ҳақидаги фикрлар, водий ахлини, биринчи навбатда, филиалимиз бутун жамоасини мамнун этди.

Шу кунларда фаолиятимизни танқидий таҳлил қилиб, замон талабига мос рақобатбардор мутахассислар тайёрлаш, илмий асосланган тавсияларимиз билан соҳа ривожига мўносиб ҳисса қўиш мақсадида тинимсиз изланмоқдамиз.

Филиалда юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш бўйича 2020 йил — Илм,

маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили учун “йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари йирик қишлоқ хўжалик корхоналари буюртмаларига асосан, 2020-2021 ўқув йили қабул қишлоқлари бакалавриятнинг кундузги таълим шакли учун 1185 нафар, сиртки таълим шакли учун 415 нафар, шунингдек, магистратура мутахассисликлари учун 52 нафар бўлиши режалаштирилган.

Филиал олимларининг “Сабзавот экинларини янги эртапишар маҳсулот етиштириш технологиясини ишлаб чиқаришга жорий қилиш” ва “Физикавий-кимёвий усуллар, қурилмалар ёрдамида ўсимликлар зараркундаларига қарши қўлланиладиган препаратлар тайёрлаш технологиясини жорий этиш” йўналишларида олиб борган илмий изланишлари натижаси Андижон туманидаги “Мирза уруғчи элита” фермер хўжалигида, Сабзавот, полиз экинлари, картошқачилик илмий-тадқиқот институтининг илмий-тажриба станцияси Андижон бўлимида, Асака туманидаги “Озод Иқболжон замини” фермер хўжалигида,

“Шухратбек буюк келажаги” фермер хўжалигининг ер майдонида ва бошқа бир қанча томорқачиларга жорий этилди ва юқори иқтисодий самарадорликка эришилди.

Андижон вилояти иқлим шароитида қовоқнинг истиқболли навларини танлаш, уруғчилигини такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш йўналишидаги тадқиқот ишлари натижалари Андижон вилояти Шаҳрихон тумани “Найнаво оқшоми” фермер хўжалигида, Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институтининг илмий тажриба станцияси Андижон бўлими ер майдонида ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Олимларимизнинг тавсиялари фермер хўжалиқлари, бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарида амалиётга жорий этилаётган бўлса-да, тан олиб айтишимиз керак, бу борада эришган ютуқларимиздан кўра ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Филиалимизнинг олти нафардан ортиқ олими ва профессор-ўқитувчиси шу кунларда вилоятимиз фермер хўжалиқларида гўза майдонларига соя экиш ва парваришlash бўйича маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатмоқда. Соя ўсимлигини етиштиришнинг афзаллиғи, айниқса, тупроқ унумдорлигини ошириши, пахта ҳосилдорлиғига иjobий таъсири хусусида тизимли тушунтириш олиб бормоқда.

Президентимиз “Ҳар бир олий таълим ва илмий-тадқиқот даргоҳи нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши шарт”, деб таъкидлаган эди Олий Мажлисга Мурожаатномасида. Филиалимизда 55 та хорижий олий

ўқув юрти ва фондлар билан халқаро битимлар, аҳдлашув меморандумлари имзоланган ҳолда биргина 2020 йилда 8 та лойиҳа бўйича 524500 евро ҳажмида ҳамкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Филиалда USAID фонди билан ҳамкорликда мева-сабзавотчилик соҳасида замонавий мутахассислар тайёрлаш жараёнида қўллаш мақсадида филиал ахборот-маслаҳат марказининг 6,5 гектар майдонига интенсив боғ барпо этилиб, унга томчилатиб сугориш технологияси жорий қилинди. 4,5 гектар интенсив олма боғи ва 2 гектар олхўри боғи ҳамда 1 гектар узумзорда илмий-тадқиқот ишлари давом этмоқда.

Шунингдек, Европа Иттифоқининг GIZ халқаро лойиҳалари доирасида 60 боғ қорамолга мўлжалланган замонавий чорва комплекси барпо этилди. Келгусида ушбу чорвачилик комплексида Фарғона водийси вилоятларида фаолият кўрсатаётган чорвачилик фермер хўжалиқлари раҳбарлари ва мутахассисларини ўқитиш ва амалиётларини ўтказиш режалаштирилган.

Филиалимизда Гродно давлат аграр университети билан қишлоқ хўжалиги қўшма факультети ташкил этилди. 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб қўш дипломли дастурлар асосида 2+2 схемаси асосида “Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш технологиялари” ҳамда “Ўсимликларни ҳимояси ва карантин” таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Сўнгги йилларда филиал моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишларга қўл урилди. 2019 йили филиалнинг ўқув бинолари-



да 39 миллиард сўмлик реконструкция ва жиҳозлаш ишлари бажарилиб, 2800 уринли замонавий ўқув бинолари фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда ўқув биноларидаги ўринлар сони 4420 тани ташкил этмоқда. Шунингдек, қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш параметрларига асосан жами 6 млрд. 266 миллион сўмлик 9 та замонавий лаборатория ўрнатилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳозирча “Деҳқончилик ва мелиорация”, “Ўсимликларни ҳимоя қилиш” ҳамда “Биология ва генетика” лабораториялари ўрнатилди ҳамда 600 миллион сўмлик қишлоқ хўжалиги техникалари (мини трактор, сеялка, сомон пресслари) олиб келинди.

Таълим муассасамизда ёшларнинг пухта билим олиши, қобилиятини ривожлантириши ва намоён этиши учун барча шароит яратилган. Филиалнинг 32 нафар талабаси хорижий олий таълим муассасалари билан академик алмашув дастурлари асосида хорижда ишлаб чиқариш амалиёти ва стажировкалари ўтамоқда. Яна 150 нафар иқтидорли талаба танловда голибликни қўлга киритиб, 2020-2021 ўқув йилида амалиёт ўташ учун Германиянинг нуфузли фермер хўжалиқларига юборилиши режалаштирилган.

Замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган, юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш мақсадида олий таълим муассасасини

модернизация қилиш, илгор таълим технологияларига асосланган ҳолда ўқув машғулотларини ташкил этишни ўзимизга мақсад қилганимиз.

2020-2021 ўқув йилидан янги “Соё етиштириш технологияси”, “Қўёнчилик”, “Паррандачилик”, “Асаларичилик”, “Эчкичилик” каби таълим йўналишлари бўйича мутахассис кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, Россиянинг Бошқирдистон давлат аграр университети билан ҳам қўшма факультет ташкил этиш, дастлабки босқичда “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” таълим йўналишини очиб режалаштирилган.

Илмий педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда илмий салоҳиятини янада ошириш мақсадида янги ихтисосликларни, жумладан Умумий деҳқончилик, пахтачилик ва ўсимликшунослик ихтисосликлари бўйича махсус кенгаш охиси, 17 та ихтисослик бўйича фалсафа доктори (PhD) ҳамда 7 та ихтисослик бўйича фан доктори (DSc) тайёрлашни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Мақсадимиз Фарғона водийси қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун малакали мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган таълим муассасамизда ўқув жараёни, илмий-тадқиқот ишлари кўламини замон талаблари асосида тубдан такомиллаштириш бориб, кадрлар тайёрлаш сифати ва самарадорлигини оширишга эришиш, ватанимиз қишлоқ хўжалиги тараққиётига мўносиб ҳисса қўишдан иборат.

Талаб ва таклиф

Темур МИРЗАЕВ,  
Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги  
“Ипак йўли офиси” директори, Туризм лабораторияси раҳбари

Жорий йилнинг бошида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси кўмағида “Tourism Lab” (Туризм лабораторияси) маркази ташкил этилган. Марказ туризм ва бошқа ижтимоий соҳаларга хизмат қилиши мумкин бўлган инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, янги миллий бренддаги маҳсулотларни яратиш, лойиҳаларга ёшларни жалб қилиш ва рағбатлантириш кабилар билан шуғулланади.



# ТУРИЗМ ЛАБОРАТОРИЯСИ:

## пандемиядан сўнг сайёҳликдаги айрим тенденциялар ўзгаради

Ҳозир буюк уламоларимиз ва маданий бойликларимиз ҳақидаги фильмларни хорижий тилларга таржима қилиш, Ўзбекистон фотохаритаси, экожойнамоз, “Қўғирчоқлар Ўзбекистон бўйлаб саёҳатда” спектакли, худудларимиз логотиплари, Мўйноқда яшил лабиринт, HomeFitness спорт иловаси ва Masjidfinder зиярат туризми иловалари, болалар учун “Саёҳат одоби” қўлланмаси каби лойиҳалар устида иш бошланган.



### CRAFTED.UZ ТИЗИМИ МАСАЛАГА ЕЧИМ БЎЛА ОЛАДИМИ?

Туризм соҳасидаги хунармандлик маҳсулотлари, асосан, ҳордиқ чиқариш ва эстетик истеъмол моллари гуруҳига киришига қарамай, соҳа вакиллари вақтни бекор ўтказмасликларини муҳим. Карантин даври ва туризм мавсуми бошланишига қадар ҳам хунармандларимиз ва уларнинг маҳсулотини сотувчилари ўз вақтларини янги турдаги сувенир маҳсулотларни яратиш, хориж тажрибасини интернет орқали ўрганишдан ташқари турли тилларда бошлангич мулоқот олиб боришни кўникмасини ўзлаштиришни таклиф этган бўлардим. Crafted.uz платформасининг ижтимоий йўналиши хунармандларга бўлган харидорлар портрети ва географиясини чиқиш олишда ҳам кўмаклашиши мўлжалланган.

“Кимлар энг кўп сувенир сотиб олади? Қайси сайёҳ қандай маҳсулотга қизиқади? Қайси сувенир маҳсулотдан кўпроқ даромад тушади? Қайси миллатдаги сайёҳларда харидни аёл ёки эркак киши қилди?” каби саволларга керакли тадқиқотлар ўтказиш, соҳага хорижий грант ва экспертларни жалб қилиш орқали жавоб топилади.

Crafted.uz номи “Crafted in Uzbekistan” жумласининг қисқартмаси бўлиб, у 2019 йилнинг декабрь ойида Японияга хизмат сафарим билан боғлиқ. Киото шаҳрида ЮНЕСКОнинг маданий меросни сақлаш, ёш авлодга етказиш мавзусига бағишланган конференцияси жуда самарали ўтиб, шаҳарнинг тарихий обидалари бўйлаб экскурсиялар ташкил этилди. Ушбу обидалар яқинида расталарда сотиладиган нафис ва юқори сифатли хунармандчилик маҳсулотлари, сувенирларда “Made in Japan” ёки “Made in Kyoto” эмас, “Crafted in Kyoto”, яъни “Киото хунарманд усталари томонидан яратилган” ёзувини кўриш мумкин эди. Бу ерда ҳам жой номига ҳурмат, ҳам маҳсулотга мўносабат, эътироф сезилиб турарди. Чунки инглиз тилида “to craft” феъл қўл меҳнати билан, анъанавий санъат орқали яратиш жараёнига нисбатан ишлатилади. “To make” эса турли усулда, жумладан, завод ва фабрикадан чиққан маҳсулотга ҳам қўлланилади.

### САНЪАТМИ, САНОАТ ЁХУД QR КОД ҚАНИ?

Юртимиздаги сайёҳлар учун сувенир дўконлари ва расталаридаги кулолчилик маҳсулотига бир назар ташлаб кўринг-а! Қўпол бичимли, вазни оғир, ранглари тарқаб кетган ҳамда харид қилинган, сиқилган ҳимояловчи маҳсул ўрамини шай турмайди. Газета ёки елим пакетга ўраб берилади. Аксар сувенир маҳсулотларда ишлаб чиқарувчи уста, устакхона номи ва алоқа рақамлари, сайт ёки QR код акс этмайди. Бу камчиликлар рақамли иқтисодиётни қаердан бошлашимиз кераклигини яқол кўрсатиб турибди.

Аммо энг кўнглига ботагани — сувенир маҳсулотларнинг аксариятида ҳатто “Made in Uzbekistan” ёзуви ҳам йўқ. Фақат кулолчиликда эмас, бошқа турдаги маҳсулотларда ҳам шу аҳвол. Рақамли иқтисодиёт бозорига киришни истар эканмиз, юртимизга келган сайёҳнинг 100 фоизи смартфон, хориждаги потенциал харидорларнинг 90 фоизи смартфон ва компьютер орқали интернетдан фойдаланишини эсдан чиқармаслигимиз керак. Бундай эскича шикда ишлаш хунармандларнинг янги ижозалари жалб қилиш эҳтимоли о фойдизга

тенглигини кўрсатиб турибди. Тўғри, ўз хунарини маромига келтириб, сайёҳлар орасида ҳам, хорижий кўргазмаларда ҳамда хусусий коллекционерлар орасида ҳам танилган усталаримиз, гиламдўзлар, заргар чеварларимиз талайгина. Уларнинг меҳнат ва санъатини хорижда қадрлашди, дўстларига ва саёҳат блогларида беғоналарга кўз-кўз қилиб, тавсия этишди.

Бизнинг мақсадимиз саёҳатдан қайтаётган меҳмон ўзи билан олиб кетадиган эсдалик, сувенирга сифат ва эстетик талаб қўйиш, турли ижодкорлар билан ҳамкорликда миллий маҳсулотлар сифати ва имижини ошириш орқали уларга юқори баҳо (нарх) ва мақом беришдир. Шунда уларни харидор санъат эмас, балки санъат маҳсулоти сифатида қабул қилади.


“Crafted in Uzbekistan” стандарти айнан шу камчиликларни бартараф этиш орқали янги брендлар, усталар ва инноватив сувенирларни яратишга хизмат қилади.

Ҳозир “Crafted in Uzbekistan” тизими доирасида crafted.uz сотув платформаси ҳам ишлаб чиқилмоқда. У маҳаллий ва хорижий харидорга маҳсулотни сотиш қўламини кенгайтириш, хунарманд-харидор ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш




(онлайн савдо платформалари, электрон тўлов тизими), логистика (ҳалқаро почта орқали етказиб бериш) тизими, сувенирларни яратишдаги креатив жараёнга барча иқтидорли санъат вакиллари жалб қилиш ва рағбатлантириш тизими (гонорар ва лицензиялаш)ни жорий этиш каби имкониятларни ўз ичига олади.

Ушбу лойиҳанинг яна бир ижтимоий жиҳати — сувенир соҳасига қизиқётган уй бекалари ва талаба ёшлар учун онлайн ва оффлайн консултация, видео маҳорат дарслари яратилади. Айни пайтда уларнинг маҳсулотларини сотишда кўмаклашиш тизимини жорий этиш бўйича иш олиб бормоқдамиз. Жамоамиз ушбу кенг миқёсда ишларни қозғодган ҳаётга кўчириш учун турли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ва хорижий ННТларни ҳамкорликка даъват этади. Ҳозиргача Тошкент тўқимачилик ва енгил санъат институти, Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти, «Ўзбекингилсанъат» уюшмаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги каби



ташқилотлар ҳамкорликка қизиқиш билдирган.

Мудраб ётган соҳани уйғотиб, оёққа тургазиш ва уни илғорлар қаторига олиб чиқиш учун давлат ташқилотлари, хусусий ижодкорлар ва ННТлар билан яқиндан ҳамкорлик ва хорижий грант маблағларини жалб қилиш жуда муҳим. Олдимизда турган режалар катта жамоавий меҳнатни талаб қилади. Худудларга хос маҳсулотларнинг онлайн харитасини яратиш, усталар маҳсулотини брендлаш, сифатни баҳолаш тизимини, янги прототипларни яратиш ва тарғиб қилиш, энг намунали устакхоналарга экскурсия учун онлайн буюртма бериш каби хизматлар лойиҳанинг қўламини кўрсатиб беради. Айтиш кераки, яқинда маҳсулотлар сифати таъминланиб, янги экотизим яратилган, “Хонобод — Мўйноқ туризм магистрати” йўл ёқаларида ва асосий ту-



ризм марказларида crafted.uz бренди остидаги сувенир дўконлари ташкил этилади.

### АНЪАНАВИЙ ИННОВАЦИЯ НЕГА КЕРАК?

Анъанавий хунармандчилик асрлар мобайнида ривожланади, уни ўзгартиришга, инновация орқали янги маҳсулот турларини яратишга зарурат йўқ, деб ўйлайдиганлар ораимизда йўқ эмас. Дунё бўйлаб сайёҳларнинг ўртача ёши пасайиб бормоқда, охириги йиллардаги тенденция индивидуал туризм ривожини кўрсатаяпти. Пандемиядан кейин эса гуруҳ бўлиб саёҳат қилиш кескин камайиб кетди. Одам ўзи саёҳат қилганда эса шериклар босимига берилмай, шошмай, кўнглига ёққан маҳсулотни сотиб олади. Бугун сайёҳга бир марта сотиб олиб, йиллаб жавонда чангиб ётадиган нарсалар керак эмас. У Ўзбекистондан олиб кетган эсдалик миллий санъат намуналари, нақшлар, бошқа ўлкада топилмайдиган ўзига хос бўлиши билан бир қаторда кундалик турмушда, офисда асқотиши керак.

Қоҳирда папирусли блокнот, Венецияда мурано шишасидан капит брелог, Сўлда қумушдан овқат таёқчалари, Жакартада батик матосидан галстук, Санкт-Петербургда собиқ иттифоқ раҳбарлари тасвирланган матрешканинг энг кўп харид қилинаётгани айнан анъанавий



инновациянинг фойдасидир. Қадимгидек кўринган матрешкани эса 1890-йилларда рассом Сергей Малютин япон кўғирчоғидан илҳомланиб яратган.

Янги сувенирларда ана шу жиҳатлар ҳамоҳанг бўлса, сайёҳлар даромад келтириши билан бирга хорижда юртимизни бир неча йил бепул реклама қилади, янги меҳмонларни жалб этади.

### ИККИ САЛБИЙ ЖИХАТ

Анъанавий хунармандчилик тамоиллари асосида, қўл меҳнати билан, оилавий ёки уста-шогирд бўлиб маҳсулот яратадиган кулол, заргар, темирчи, тўқувчи каби усталаримиздан фақат уларнинг маҳсулотларини сотиш билан шуғулланувчи

шахсларни, чайқовчиларни фарқлаш зарур. Бизда туризмдаги сотув билан боғлиқ икки жиҳат салбий таассурот қолдиради. Биринчиси, арзонга келтирилган ва Хитой фабрикаларида ясалган “Made in China” сувенирларнинг миллий маҳсулотдек тақдим этилиши. Бу бир гуруҳ сотувчилар учун фойда бўлса ҳам хунармандларимиз ва миллий анъанавий маҳсулотлар учун зарар келтиради.

Иккинчиси, ЮНЕСКО ҳимоясидаги, фахримиз бўлган меъморий обидаларимиздан савдо маркази сифатида фойдаланиш. Регистрон майдонидаги улғувор Улғубек ва Шердор мадрасалари, Марказий Осиёдаги энг катта саналган Бухородаги Қўқалдош мадрасаси, Ичанқалъадаги маърифий ва маъмурий бинолардан собиқ иттифоқ даврида дўкон сифатида фойдаланишга руҳсат бериб қўйилган. Аммо мустақилликдан кейин ҳам бинолар маъмурияти уларнинг қадрига етмай, ижарага бериб, салбий анъанани давом эттирмоқда.

XV-XVI асрларда илм-маърифат ўчоғи, ислом архитектура санъати дурдоналари бўлган бинолардан дўкон сифатида фойдаланишни ким ўзига ет қўради. Бундай мўносабатни кўриб, отасидан мерос олмасдан фақат ёнғоқ чақиш учун фойдаланган бойвачча ҳиқояси эсга келади.

Маданий мерос объектлари худудидан барча замонавий элементларни чиқариб ташлаб, доимий равишда ўрта аср муҳитини ҳосил қилиб, маҳаллий актёрлар иштирокида мадраса ҳаётини сахна кўринишлари кўрсатилса ёхуд замонавий мадраса ташкил этилса, бу бошқа гап. Бунда сайёҳлар ўн баробар кўпроқ завқланиб, кўп вақт ва нақд сарфлашади.

Сотувчилар бўйича эса миллионлаб сайёҳ қабул қиладиган 4 та обида бошқарувини мисол келтирсам. Тожмаҳал (мақбара, Арол шаҳри), Боробудур (ҳиндусизм ибодатхонаси, Йогьякарта шаҳри, Индонезия), Колизей (оммавий тадбирлар майдони, стадион, Рим шаҳри), Фушими Инари Таиша (синтоизм ибодатхонаси, Киото шаҳри) обидалари худудидан бирорта савдо дўкони йўқ. Аксинча, обидага кириш ва чиқишда лабиринтсифат расталар, сувенир кўчалари ташкил этилган. Бу эса зиярат билан тижоратнинг самарали ажратилганига оддий бир мисол.

### ЭЛЕКТРОН ХАРИДЛАР МИҚДОРИ КЕСКИН ОШИМОҚДА

Маълумотларга қараганда, Хитой, АҚШ, Германия, Буюк Британия ва Россия фуқаролари шопинг учун кўп пул сарфлашади. Нуфузли McKinsey, Visa, Statika каби халқаро ташқилотлар тадқиқотлари кўрсатадики, дунё бўйлаб банк тўлов карталаридан фойдаланиш 2012-2017 йилларда 9 фоиз ошган, Шимолий Америка қитъасида 50 фоиз тўлов электрон тарзда амалга оширилган бўлиб, бир йилда бир киши томонидан ўртача 450 марта пул трансакцияси бажарилган.

Рақамли тўловлар йилига ўртача 12,8 фоиз ошмоқда ва 2017-2023 йиллар мобайнида бу ўсish давом этиши тахмин қилинмоқда.

Visa Europe ташқилоти томонидан 2017 йилда ўтказилган сўровда иштирок этган ёшларнинг 92 фоизи келажақда фақат мобил тўлов орқали харидларни амалга оширишини айтган.

Замонавий сайёҳ бир мамлакатга ташриф буюргач, энг катта харажатни турар жой учун, кейин эса шопинг (харид) учун сарфлайди. Шу сабабдан хунарманд ўзи маҳсулотининг сифати, нафислигини таъминлаш билан бир қаторда унинг харидорга тақдимотини (рекламаси, ўрамини) ва, албатта, қулай тўлов тизимини йўлга қўйгани даромадини белгилловчи асосий омилларга айланиб улғурди. Хунармандларимиз, аввало, рақамли иқтисодиётга тезроқ ўтишлари талаб этилади. Бунда ижтимоий тармоқлар, онлайн дўконларга маҳсулот жойлаштиришдан ташқари замонавий тўлов карталари билан бир қаторда онлайн тўлов платформаларига уланиш, хизматларига тўловни қабул қилишни ҳам оддий ҳолга айлантириш зарур.

Онлайн конференция

## БИЗНЕС КЛИНИКА ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Лутфулла СУВОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



БМТ Тараққиёт дастури томонидан Ўзбекистонда COVID-19 га қарши тезкор ҳаракат қилиш механизми (Rapid Response Facility) доирасида учта йўналиш бўйича ишлар таклиф қилинмоқда. Бу механизм эҳтиёжларни тезда аниқлаб, улар бўйича ечим топиш, инқирозга қарши самарали бошқарув, эрта тикланиш каби йўналишларни ўз ичига олади. Учинчи йўналиш доирасида БМТ Тараққиёт дастури Савдо-саноат палатаси билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бизнес клиника лойиҳасини ишга туширди.

Бизнес клиника пандемия даврида молиявий қийинчиликларга дуч келган тадбиркорларга бизнесни тиклаш ва давлат томонидан берилмайдиган имтиёз ва преференциялар билан боғлиқ барча масалалар бўйича бепул маслаҳатлар бериб боради. Бу ҳақда туризм соҳасини тартибга солишда тезкор билим ва тажриба алмашиш масалаларига бағишланган “Тикланиш йўли” халқаро онлайн конференцияда маълум қилинди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон ташаббуси билан Жаҳон туризм ташқилоти (ЖТТ) шафелигида ўтказилди. Онлайн конференцияда ЖТТ Бош котиби Зураб Пополикашвили, Марказий Осиё мамлакатлари, шунингдек, Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Россия, Беларусь давлатларининг туризм маъмуриятлари раҳбарлари иштирок этди. Унда туризм соҳасида COVID-19 пандемияси оқибатларини юмшатиш бўйича фикр ва тажриба алмашинилди. Шу билан бирга, ички туризмни қайта тиклаш ва халқаро туризм алмашинувига тайёргарлик қўриш бўйича устувор вазифалар муҳокама қилинди.


Хорижий ҳамкорлар Ўзбекистонда туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш ва тиклаш, санитария-гигиена стандартларини такомиллаштириш ва туризм хизматларини ташкил этишнинг янги талабларига мослаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг ва мақсадли чора-тадбирлар билан таништирилди. Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 28 майдаги “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш-

га доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида кўрсатилган қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизмига юқори баҳолади.

Сайёҳлар хавфсизлигини таъминлашнинг янги механизми билан таъминлаш бўйича тадбир муҳокама-сининг асосий мавзусларидан бири бўлди. Россия, Қозоғистон, Грузия ва Озарбайжон каби давлатлар ушбу йўналишда ўзларининг тажриба ва ташаббусларини намойиш этди. Ўзбекистон томонининг сайёҳлар санитария-эпидемиологик хавфсизлигини таъминлашга оид янги, яъни “Uzbekistan. Safe travel Guaranteed” (“Ўзбекистон. Хавфсиз саёҳат кафолатланган”) тизими иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Бу ва бошқа қўллаб-қувватлаш кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлар, шунингдек, туризм бизнесини қўллаб-қувватлаш ва туризм соҳасини тиклаш механизмига юқори баҳолади.

Ўзбекистон томонининг сайёҳлар санитария-эпидемиологик хавфсизлигини таъминлашга оид янги, яъни “Uzbekistan. Safe travel Guaranteed” (“Ўзбекистон. Хавфсиз саёҳат кафолатланган”) тизими иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Бу ва бошқа қўллаб-қувватлаш кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлар, шунингдек, туризм бизнесини қўллаб-қувватлаш ва туризм соҳасини тиклаш механизмига юқори баҳолади. Ўзбекистон томонининг сайёҳлар санитария-эпидемиологик хавфсизлигини таъминлашга оид янги, яъни “Uzbekistan. Safe travel Guaranteed” (“Ўзбекистон. Хавфсиз саёҳат кафолатланган”) тизими иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Бу ва бошқа қўллаб-қувватлаш кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлар, шунингдек, туризм бизнесини қўллаб-қувватлаш ва туризм соҳасини тиклаш механизмига юқори баҳолади.

## ЎЗБЕКИСТОНДА КОРОНАВИРУС БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ва СОҒАЙГАНЛАР БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ



Маълумотларга қараганда, Хитой, АҚШ, Германия, Буюк Британия ва Россия фуқаролари шопинг учун кўп пул сарфлашади. Нуфузли McKinsey, Visa, Statika каби халқаро ташқилотлар тадқиқотлари кўрсатадики, дунё бўйлаб банк тўлов карталаридан фойдаланиш 2012-2017 йилларда 9 фоиз ошган, Шимолий Америка қитъасида 50 фоиз тўлов электрон тарзда амалга оширилган бўлиб, бир йилда бир киши томонидан ўртача 450 марта пул трансакцияси бажарилган.

Замонамиз қаҳрамонлари

# ТАШВИШСИЗ КУНИ БОРМИ ФЕРМЕРНИНГ?!

## (Фермер суратига чизгилар)

...У туман марказидан қайтаркан, бир он бўлсин на қўли, на тили ором билди. Телефони тинмай сас беради: кимгадир ишлар бориши ҳақида ҳисоб берди, ёниги бўйича таъминотчи билан озроқ тортишди. Бу ёқда солиқ идораси ходими ҳам “салом”лашди. Унинг ҳаёли энди тупроқ орасидан бош кўтарган гўзаларида. Фермерга осон тутман!



Рўзимбой ҲАСАН,  
журналист

Шарифбой аканинг боболари асли хонқалик. Хонқа атамаси тилга олинганда воҳада илк бора ҳаёлга келадиган сўз — деҳқончилик пирлари! Кўшни Қорақалпоғистонни кўя турайлик, ҳатто узок Сирдарё ва Жиззахда ҳам деҳқончилик қилишади улар.

“Ер хонқалиқдан кўрақди”, дейишади. Яна бир латифа ҳам бор: 1969 йилда америкалик фазогирлар Нил Армстронг бошчилигида илк бора Ой заминага қадам қўйишган. Шунда... фазогир қадами Ойга етганидан хурсанд, ҳаво босими ўта паст Ер йўлдоши саҳнида баланд-баланд сакраб юрса, тўсатдан каттақон тепалик орқасидан бир одам чиқиб: “Э, бунча сакрайсан! Булди-да энди! Қара, сотаётган маҳсулотларимизни чанга ботирдинг-ку!” дермиш. Бу ҳазил, албатта... Уша деҳқон хонқалик экан...

Шарифбой ака ана шундай миришкор инсонлар авлодидан. Амударё билан Тошсоқа канали оралиги ҳали яқин йилларда — ҳатто ўтган асрнинг олтинчи йиллари охирида ҳам тўқай-зорлардан иборат эди. Бу ерларни “Юмалоқ тўқай”, деб аташарди.

Яна бир атамаси “Тўпчи” бўлиб, бунинг ҳам ўзига хос тарихи бор. Чор Русияси хонлики истило қилгач, дарё ортидаги қадим Тўртқўл қалъасига ёндош манзилда Петро-Александровск шаҳрини бунёд этади ва хонлиқни қўрқувда сақлаш учун бу ерда ҳарбий қисмлар жойлашади. Тўртта тўп атай хонлик маркази томон қаратиб қўйилади. Хива хони ҳам мажбуран истибодни бўйнига олган бўлса-да, аслида руҳиятида озодлик ордуси бўлгани, мажмур манзилда ўзининг тўпчи гуруҳини жойлаштириб, улар ҳам тўплари озгини руслар томон қаратиб қўйишади.

Шундан бу манзил “Тўпчи” номи олади. Ҳарбий касби тўпчи бўлган кишилар яшаганлари учун. Унумдор ерларни ўзлаштириш 1960-йиллар бошида бошланади. Ер майдонларининг катта қисми Ҳазорасп, бир қисми эса Хонқа туманига қараган. Шу ерда хонқалиқларнинг пахтачиликка ихтисослашган тўртта бригадаси ташкил қилинган.

Шу бригадалардан бирига Шарифбой ака 1968 йилда ҳали ўрта мактабда ўқиб юрган кезлари табеличи бўлади.

Демак, Шарифбой акада ерга бўлган меҳр ҳали бели қотмаган бола вақтидан бошланган, деб айта оламиз.

Кейин ҳарбий хизматта кетади. Ҳарбийдан қайтиб билсакки, янги Богот тумани ташкил қилинган ва улар деҳқончилик қилаётган ҳудудда шу номда давлат хўжалиги энди фаолиятини йўлга қўяётган экан. Ҳарбий либосини ечиб, бир кунда тракторга ўтирганича, эллик икки йилки, далада умри ўтпти.

Айтиш осон, ёзиш ундан ҳам осон — 52 йил!

— Ҳаётимда катта ўзгаришлар бошланишига раҳматли устозим, Ўзбекистон Қаҳрамони Машариф ака Қувочов сабабчи бўлди, — деб фахр билан гурунг беради Шарифбой ака. — Машариф ака 1974 йилда давлат хўжалигига раҳбар бўлди. У инсон воҳа тарихида ёрқин из қолдирган ажойиб раҳбар, меҳнат қаҳрамони бўлган Искандар ака Дусовнинг шоғирдларидан эди. Янги раҳбар қўл остидаги ишчилар, тракторчилар ва бошқа кадрларни доимо кўз остига олиб юрар, кимнинг нимага лаёқати борлигини билиб, шунга қараб вазифага қўярди. 1976 йили тўсатдан менга: “Адаш, сени бригадага бош қиламан!” деб қолди. Ишлаб чарчамайдиган илгит вақтим, яна табеличилик қилиб, бригадир вазифасининг огирию енгиллини билиб олганман. Рози бўлдим!

Устоз билан чорак асрча елкама-елка ишладик. У кишидан иш ўргандик, ерга меҳри ўргандик, деҳқончилик маданиятини ўргандик! Одамийликни ўргандик!

Қулон Қорабоғ қишлоғидан чиқиб, Тошсоқа (ҳалқ тилида Полвон) канали устида қурилган катта кўприқдан ўтсангиз, (дарвоқе, бу кўприк ҳам Машариф ака Қувочов ташаббуси билан қурилган) мисли ўрмонзорга кирарётгандек бўласиз. Йўлнинг икки чети қалин теракзор. Тераклар шамолда ажиб чайқалиб туради. Саратоннинг эллик даражали иссиғида бу манзил шифобахш гўшани эслатади.

Айни шу теракзорнинг кунчиқар томонида ястаниб ётган далалар “Богот” фермер хўжалиги ерлари.

Хўжалигига ном қўйилиши ҳақида Шарифбой ака қизиқ фикр айтади: “Янги фермер хўжалиқлари ташкил қилинганда деярли барча унга отаси, бобоси ва фарзандлари номи тақади. Мен эса даласида тилим чиққан, бутун умрим рўзгорим дастурхонини бут қилган, элга танитган атамани танладим. Богот янги туман эди, “Богот” давлат хўжалиги янгидан барпо бўлган хўжалик эди. Олдиндан саноклигига хонадонлар истиқомат қилган манзилда юзлаб кишилар ўз бахтини топти. Уларга бу манзил умрбоқ ватан бўлиб қолди. Менга ва фарзандларимга ҳам”.

Эсимда, ўрта мактабда ўқиб юрган кезларимизда баҳорда бизларни айнан шу ҳудуддаги бригадаларга гўза яганалашга олиб боришарди. Биз болаларни дала заҳматидан ҳам кўпроқ бу манзилдаги кичкина аэродром қизиқтирарди.

Полвон каналидан ўтиб, барчамиз юк машинаси бортида тик туриб, атрофга аланлар, йўлга яқин жойда турган “АН-2” рўсмული аэропланларни кўришга ошқардик. Бу аэропланлар гўзаларга мавсумда турли кимёвий дорилар сепарди. Шу эски аэродром ўрни ҳам Шарифбой аканинг фермер хўжалиги чекига тушган. Бу атамандан нишон ҳам қолмаган. Бер текис олинган карталар, атрофига манзарали дарахлар экилган далалар. Йўлнинг иккинчи томонида эса каттақон бог.

Шарифбой ака туманда биринчилардан бўлиб фермер хўжалиги ташкил этган 2000 йил бошидаёқ мулкчиликнинг янгича шаклига ўтиб ишлашга журъат қилган. Айни ўзи муқаддам бригадир бўлган ҳудуддан 98 гектар ер майдони ажратишганди унга.

Одатда фермерлар ер майдонлари катта йўл устида бўлишини унчалик хоҳлашмайди. Негаки, йўлдан кунора катталарнинг ўтиб қолишлари бор. Даласида бирор камчилик кўзга ташланса, ана унда мажлисларда қизаришингга тўғри келади. Еригач чекракда бўлса, назоратдан биров қоласан. гўё...

Шарифбой ака айнан қишлоққа кираверишдаги ерни танлагани бежиз эмас. Негаки, қишлоққа келган меҳмон (турли даражадаги раҳбарлар ҳам) илк таассуротида ишонади. Шунга қараб баҳо беради.

Ўзига ишонган инсонгина айнан кўз ўнгида мисли кафтдек кўриниб турадиган ерни танлайди. Чунки ишнинг кўзини билади, деҳқончилик илмини сув қилиб ичган, қайси мавсумда қандай агротехник тадбирлар ўтказилиши ёд бўлиб кетган. Ҳамма иши саранжому саришта.

Натижалари ҳам шунга монанд. Шарифбой аканинг даласида давлатимиз раҳбарлари бўлган, далаларини кўрган. Эл бошида турган инсонларнинг ишончини оқлаш осон ишмас.

2000 йилда фермер хўжалигини ташкил қилганда Шарифбой ака ихтиёрида бирорта техника йўқ эди. Кўни хўжалик гаражидаги тракторчиларга илтимос билан ўтди. Салкам юз гектар ерда деҳқончилик қилишининг ўзи бўладими? Ун сотих томорқасига экин экиш учун трактор излаб юрадиганлар бор.

Ҳозир фермер илқидаги тракторлар, ускуналар сонининг адоғига етолмайсиз. Утган йилларда олган даромади ҳисобидан янги техникалар харид қилди. Ҳар йили каммида икки техника олишни мақсад қилган. Бугун фермер ўз илқидаги техникалар билан бошқа фермерларга ҳам хизмат кўрсатмоқда.

“Техника — деҳқоннинг қаноти” маталини Шарифбой ака чуқур уққан. Ахир, тиши шу техника ортида чиқди.

Қаҳрамон фермер бизни далага бошлади. Нияти ҳозир амалиётга айланаётган томчилаб сўғориш технологияси афзалликларини кўрсатиш экан.

Аслида томчилаб сўғориш усули фермер даласида бундан ўн йиллар олдин вилоятда илк бора тажриба сифатида бошланганди. Ўшанда тўрт гектар майдонда бу янгилик синая қўрилган.

Бугунга келиб томчилаб сўғориладиган майдонлар сони деярли уч ҳисса ошган. Янгиликнинг афзалликлари, иқтисодий фойдаси билан қизиқамиз. Фермер бунни содагина қилиб тушунтиради: “Одатда пахтани қўшқатор усулида экамиз. Икки қатор оралигида айнан шу томчилаб сўғориш ускуналари ўрнатилган. Ерни юмшатиб, минерал ўғит берилгач, бу тизим гўза таглари билан мезёрода намлаб туради. Шундан гўза доимо керакли намни олади, минерал ўғитни ҳам ҳазм қилади.

Бу билан қўл меҳнатига барҳам берилди. Ортиқча харажатлар қамаяди. Мавсумда қатор ораларига бир неча марта трактор киритиб, қорик олиш, кейин сўғориш, сўғоргандан кейин қорикни бузиш ва кейин яна қорик олиш, сўғориш, қорикни бузиш каби ортиқча ишлар йўқ. Қанча ёниги тежаллади. Гўзани сув босмайди, чанқаб қолмайди. Бу замонавий технологиянинг афзалликлари жуда кўп”.

Томчилаб сўғорилган далаларда ёниги, вақт, қўл меҳнати тежалиши яхши. Бу фермер учун кўшимча даромад. Шу даромад ҳисобидан ишчи ва хизматчиларнинг ойлик маоши муттасил кўтарилиб боради. Энг асосийси, ўтган йили айнан томчилаб сўғорилган далалар ҳар гектар ҳисобига 54 центнердан ҳосил берган. Мана кўрсаткич! Мана даромад!

Бу йил фермер 105 гектар майдонда деҳқончилик қилмоқда. Шунинг 40 гектари пахта. Пахтазорларда гўзалар баравж ривожланяпти. Бир текис ниҳолларни кўриб, кўзингиз қувонади.

45 гектар ердаги бугдой тўла бошоқлаган. Бўлғуси мўл хирмон тараддуди аллақачон бошланган. Шунингдек, фермер даласида сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш ҳам кенг йўлга қўйилган.

Яна бугдойдан бўшаган далаларнинг бир қаричи ҳам бўш қолдирилмайди, тақрорий экинлар экилади. Воҳа тарихида бугдойдан бўшаган далаларга шолини қўчатлаб ўтказишни кенг миқёсда раҳматли Машариф ака Қувочов бошлаб берганди. Жанубий Кореяга бориб, бу тажрибани ўрганган ва ҳатто шоли қўчатлаш ускуналари келтирганди.

Бугун вилоят ахли кўшимча томорқаларида бугдой ва шоли етиштириб, шундан мўл даромад оляпти.

Воҳа ахлининг иқтисоди кўтарилишида бу муҳим омил бўлганини етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган инсонлар эътироф этади. Айни шу янгилик бошлади ҳам илк бора Шарифбой ака турган. Уша вақтда бригадир эди. Бугдойдан бўшаган катта майдонларда шоли қўчатлаш унинг бригадасидан бошланган. Бу янгиликни кўриш учун воҳанинг турли бурчларидан деҳқонлар келишган.

Шарифбой ака турмуш ўртоғи Раъно опа билан беш фарзандни тарбиялади, элга нафи тегадиган инсонлар бўлиши учун жон кўйдирди. Бир фарзанди молия тизимида ишлайди. Иқтисод бораида отасига доимо ёрдамчи. Яна бир ўғли “қуш уясиди кўрганини қила-

ди” матали ҳақлигини исботлаб, отаси каби фермерликни танлади. Фарзандлари, келинлари мактабда ёшларга сабоқ беришапти. Катта оила ташвишларининг бор юки ҳам ота зиммасида.

...Бу йил баҳор ҳақиқий синов бўлди. Бир ёқда бутун жаҳонни забтига олган тожисмон вирус пандемияси, бир ёқда баҳорнинг серқилиқ келгани. Март ва апрель ойларида одатда воҳада озроқ бўлса-да ёгингарчилик кузатиларди. Бу йил эса май ойида ҳам ёмғир ёғди. Еққандаям кучли ёмғир. Яна бир неча марта.

“Энди ривожланишга ўтган гўза ниҳолларини қатқалоқ балосидан асраш муҳим. Бунда бир неча кун кечикиш гўзани ҳавф остига қўйиш билан баробар. Шунга бутун ишчи кучимизни қисқа муддатларда қатқалоқни бартираф қилишга сафарбар этдик”.

Фермер шу сўзларни айтганда, осмонга бир қараб қўяди. Негадир ҳаво очилиб кетма-япти, эртами-индин яна ёмғир ёғиши тахмин қилиняпти.

Демак синовлар давом этади. Шу фикримизга Шарифбой ака бундай деб жавоб айтади: “Раҳматли устозимиз Машариф аканинг бир гапи бўларди: “Қачон баҳор деҳқонга қайишган? Ҳар йили бир синов. Фақат қора меҳнат билангина бу синовларни енгиб ўтиш мумкин!”

Устоздан ўтказиб нима ҳам дейман? Қитмирилгимиз тутиб, карантин шароитида ишлар ташкил қилиниши ҳақида сўраймиз. Шарифбой аканинг гаплари ғалати: “Карантин шаҳарда яшаётган одамлар учун бир синов. Деҳқон учун... Айни баҳорги экиш пайтида уйда ўтириб бўладими? Биз карантин бошлангандан буён даладамиз. Вақт кутиб турмайди, ахир! Экиш керак, парваришлаш керак!”

Бу кунлар ҳам ўтар. Халқимизнинг нақадар яқдил, жипслигини дунё аҳлига яна бир бора намойиш қилди бу синовлар кунлари! Шу пайт гўза қатор ораларига ишлов бераётган трактор ёнимизга келиб тўхтади. Юзига ниқоб таққан тракторчи йигит кабинадан тушди ва бош чайқаб саломлашди. Бошқа саволларга эҳтиёж қолмади.

Болалигидан бутун умри далада ўтаётган инсоннинг камтарин меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланган. 2008 йилда “Шухрат” медалга, 2010 йилда эса “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирланди. 2016 йилда Шарифбой Ражабовга “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони берилди.

— “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони олтин олдузини шаҳсан Президентимиз Шавкат Мирзиёев қўсимга тақиб қўйганда қанчалик қувонганимни, фахрланганимни кўрсангиз эди. Бундан чиқарган хулосам шу бўлдики, юртимизда меҳнат қилган одам ҳеч қачон кам бўлмас экан. Бунга менинг ҳаёт йўлим мисол. 2014–2019 йилларда Олий Мажлис Сенати аъзоси сифатида давлатимиз таррақиятини янги босқичга олиб чиқаётган қонун ҳужжатлари учун овоз берди. Овоз бериш жараёнларида қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёт билан боғлиқ масалалардаги муҳокамаларда қатнашди.

...Кун бўйи фермер даласида бўлиб, у кишининг фикр-мулоҳазаларини дафтаримга ёзиб олдим. Айниқса, бир таклифи ўринли ва долзарб кўринди. Айтдики, “Томчилаб сўғориш усули — бу деҳқончилигимизда инқилоб! Эртами-индин бу усул бутун мамлакатимизда амалиётга айланади. Ҳозирча эса санокли фермерлар бунни синая қўришапти. Шу билан бирга, томчилаб сўғориш ускуналари учун хизмат кўрсатадиган тизим ҳам яратилляпти. Ишончим комилки, яқин йилларда томчилаб сўғориш усули бутун мамлакатимизни эгаллайди. Чунки бундай хайрли ишнинг бошида давлатимиз ёрдами турибди...”

Ушбуларни ёзаётганимда ташқаридан яна майдалаб ёмғир ёға бошлади ва беихтиёр кўз олдимга Шарифбой ака келди. Тўзим берсин, фидойи дала заҳматчиларига!

Қадрият

Бурхониддин АҲМЕДОВ, Ўзбекистон халқаро ислом академияси Манбалар хазинаси масъул ходими, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати бошланиши билан барча ватандошларимиз яқдиллик билан бу жараёни қўллаб-қувватлади. Халқимизнинг саховатпешалиги, муҳтожга ҳамisha ёрдам қўлини чўзишга тайёрлиги сабабларини ўйлаб туриб, беихтиёр мозийга, улуг аждодларимиз, буюк мутафаккирларимизнинг ибратли ҳаёт йўлига назар солгимиз келади. Ҳаёти ҳам, ибрати ҳам асрларга татигулик аждодларимиз эса юзлаб, балки минглаб топилади. Улардан бири кўхна Бухорода яшаб ўтган улуг аждодимиз Абу Ҳафс Кабир Бухорийдир.

## АБУ ҲАФС БУХОРИЙ ҲИКМАТИ



Ҳанафийликнинг Бухоро мактабига, ундан ташқари, дунёвий ва диний билимлар ривожига катта ҳисса қўшган мадрасага асос солган Абу Ҳафс Кабир Бухорий фақатгина фикрнинг эмас, балки ҳақис ва калом илмларининг ҳам етуқ билимдонни саналади. VIII–X асрларда Моваруннахр, Хуросон, Ироқ ва бошқа минтақалардан етишиб чиққан ҳанафий муҳаддис ва фақиҳларнинг фаолияти ҳақида Абдуллоҳ Субҳамунний ўзининг “Кашф-ул-осор” асарига Абу Ҳафс Кабир ва унинг авлодларини бухорлик илк ҳанафий муҳаддислар қаторида зикр этган.

Абу Ҳафс Кабирнинг шухрати бутун ислом оламига тарқалди. Олимлар унинг илму фазлини баҳолаб, “муаллими ислом” (“ислом устози”), унинг шарофати билан Бухорони “Қуббат-ул-ислом” (“Ислом гумбазини”), шунингдек, у зот яшайдиган маҳалла дарвозасини “Ҳахроқ” (“Ҳақ йўл”, “Тўғри йўл”, “Нажот йўли”) деб аташган.

Абу Ҳафс Бухорий билан замондош, у киши билан яқин мулоқотда бўлган олимлар бирор масаланинг жавобини топишида унинг ечимларига суяниб иш тутишган. Абу Ҳафс Кабир Бухорий ва ҳанафий фикри номли китобда ёзилишича, олимнинг “Фавоид” (“Фойдалар”), “Фатово” (“Фатволар”) каби асарлари бор.

Абу Ҳафс Кабир Бухорий ҳаёти давомида кўплаб инсонларга намуна бўладиган ишларни амалга оширган. У муҳтожлар мушуқлини осон қилиш учун жидду ҳақд кўрсатган олимлар қаторидан ўрин олган. Жумладан, унинг очарчилик йилларида бозордаги нарх-наво ошиб кетмаслиги учун бор мол-мулкни сарфлагани бунга мисол бўлади.

Ривоят қилинишича, Бухорода бир йили ҳақатчилик бўлиб, муайян ўлчамдаги бугдойнинг баҳоси ош танага етганда Хожа бозордаги барча бугдойни шу нарҳда сотиб олиб, 90 тангадан аҳолига қайтариб сотган. Бу билан ҳар бир ўлчам ҳисобидан муҳтожларга ўн тангадан кўмак қўрсатган.

Аллома шу билан кифояланмай, кейинги ҳақатларда 80 танга, 70 танга, токи бугдой баҳоси 10 тангага тушгунга қадар ўз тадбирини давом эттирарди. Шу орқали муҳтожлар жонига оро кирган. Унинг хазиначиси: “Ҳожам, биз улкан зарар кўрдик. Хазина деярли бўшаб қолди”, деганда Абу Ҳафс Кабир Бухорий: “Сен билмабсан, биз охираат хазинасини тўлдирдик”, деб жавоб берган экан.

Олим муҳтож қарз сўраса, берар, аммо унинг қайтарилишини асло сўрамас эди — унутиб юборарди. Абу Ҳафс Кабир Бухорий шоғирдларига, мухлисларига, атрофидаги барча-барчага бу фазилатларни тарғиб этиб, ҳамisha эзгуликда, инсонпарварликда бардавом бўлишга даъват этган. Муқаддас Рамазон ойида ватандошларимиз қилган хайру эҳсонлар, эғзу, савоб амаллар ҳақида кўплаб қувончли хабарларни эшитдик. Буларнинг барчаси томирларимизда Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Ҳафс Бухорийдек юзлаб, балки минглаб покдомон, улуг зотларнинг қони оқаётганидан дарак.

Юртимиз тарихан самарқандийлар, бухорийлар, хоразмийлар, шошийлар, насафийлар, кешийлар, термизийлар, устушонийлар, фарғонийлар, марғинонийлар юрти деб шарафланган. Шундай юртининг покдомон, инсонпарвар, саховатпеша фарзандларига ватанни севиш, уни моли ва жони билан ҳимоя қилиш, жигаргўшасини, ватандошини муҳтожлик билан ёлғизлатиб қўймаслик ярашади. Халқ қорига ярашдек улугвор мақсадни қўзлаган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатининг ҳал қилувчи кучи шу жўмард элимиз экани ҳам шундан!



Санъат

## "ОТА-ОНАНИНГ ЎЗИ ТЕАТРИНИ СЕВСА, БОЛАДА УНГА ҲУРМАТ ШАКЛЛАНАДИ"



Ўтган йили Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри ўзининг 90 ёшини тантанали равишда, халқаро миқёсда кенг нишонлади. Маълумотлар шу даврга қадар театр саҳнасида турли жанрларга мансуб 500 дан ортиқ саҳна асари намоиш этилганидан дарак беради. Театрда Ўзбекистон халқ артистлари Карим Хонкелдиев, Манзура Ҳамидова, Обид Толипов, Бадал Нурмухамедов, Воҳид Қодиров, Хайрулла Саъдиев, Мухаббат Йўлдошева, Лутфулла Саъдуллаев, Дилбар Абдулазизова каби элимиз суйган, маҳоратли актёрлар ижод қилган. Ҳозир театр саҳнаси усталари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ҳақима Отахонова, Шамсиқамар Мансурова, Фарида Умарова, Баҳодир Нишоннов, Ёдгора Зиямухамедова, Абдумаруф Қодиров ўз маҳоратини ёш авлодга беиннат ўргатиб келмоқда. Ижодий жамоанинг айна кундаги фаолияти, ютуқлари, мавжуд муаммолари ҳақида театр адабий бўлими бошлиғи, санъатшунослик фанлари номзоди Ойбек Вейсал ўғли билан суҳбатда бўлдик.

— Кейинги пайтларда бир қатор театрларда томошабинлар соҳна сизларни даражада камайгани кузатилади. Аммо яқинда театрларда "очиқ эшиклар кунини" жорий этилиши халқимизни жонли саҳнага қайтаришга катта туртки беради, дейиши мумкин. Шундай эмасми?

— Бугун олдимизда турган энг муҳим масала ҳам айна шу саволга ечим топиш бўлиб турибди. Аввало, давлатимиз раҳбарининг шу йил 26 майдаги "Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, қолаверса, ота-оналар, таълим даргоҳларининг маънавият ишлари бўйича масъуллари ёрдами билан болаларимизни, уларнинг ота-оналарини театрга кенг жалб этишга эришишимиз мумкинлигини айтмоқчиман. Чунки театрда бўлган қизиқиб болаликдан бошланади. Дастлаб кўғирчоқ театри, кейин ёш томошабинлар, ундан сўнг ёшлар ва улғайганда академик театр томошаси каби бир-бирига боғлиқ жараён. Яъни театр босқичма-босқич аҳолининг турли ёш тоифаларига мосланган. Бунда ўзига хос уйғунлик бўлади. Кейинги пайтда мана шу боғлиқлик узилиб қолмоқда.

Яқин ўтмишда баъзи театрларда енгил-епли, комедик жанрларга мойиллик орта бошлаганди. Маданият вазирилик томонидан бу муаммолар ўз ечимини



Ҳақим Йўлдошев олган суратлар.

топа бошлади. Биз эса, ўз навбатида, замон талабларига жавоб берадиган спектакллар саҳналаштиришга ҳаракат қиламиз. Уларнинг болажонларга қизиқарли бўлиши учун мусиқа, рақс, кўшиқлар ижросидан кенг фойдаланамиз. Спектаклга келган болалар жонли ижро завқини ҳис қилишлари жуда муҳим. Аксарият ота-оналар: "Энди тез-тез келиб тураемиз, аввалроқ келсак бўлар экан, жуда завқ олдик", дея бизни руҳлантирувчи ижобий фикрларни билдириб кетишади. Демокчи-манки, болани тўғри йўналтиришда, аввало, ота-она асосий ўрин тутади. Ота-онанинг ўзи театрини сева, болада театрға ҳурмат шаклланади.

Шунингдек, боланинг қандай эртақларга қизиқиши, қайси қаҳрамонлари яхши кўришини ҳаммадан кўпроқ ота-онаси билади. Эртақ эшитиш асносида бола-



лар кўз ўнгида қаҳрамонлар турли кўринишда гавдаланади. Театрда эса бола ўша қаҳрамонларнинг асл қиёфасини кўради. Эртақларнинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ англай бошлайди. Шу ўринда айтишни истардимки, бу йил премьераси бўлиб ўтган "Орзулар қанотида" (Муаллиф — А.Айизов, режиссёр — З.Аскар) деб номланган спектаклимизда буюк алломаларимиз ҳақидаги тасаввурни болаларда таъсирчан усулда шакллантиришга ҳаракат қилдик. Спектаклда музейга келган болалар Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Абу Али ибн Сино, Беруний каби улуг аждодларимизнинг суратлари қаршида улар билан хаёлан суҳбат қуриб, қилган буюк ишларини ўз кўзлари билан кўришади. Болаларда илгма, китобга муҳаббат пайдо бўлади, ҳар қандай оруз-мақсадга меҳнат орқали етишиш, аждодларнинг буюклигини англаш ҳисси уйғонгани. Бу мазмундаги спектаклларимиз жуда кўп.

Афсуски, кейинги пайтларда болаларни театрға жалб этиш билан, асосан, ходимларимиз шуғулланаётгани бор гап. Театр рекламалари эса кўча-кўйда ҳам, телевидениеда ҳам учрамас, телевидениеда реклама бериш эса моддиятга тақабил келаётган эди. Мана энди йиллик ҳаракатлар сметасида театр афшарларининг тарғиботи учун ҳам маблағлар ажратилиши белгилаб берилди.

Телевидение ва радиода театр афшарлари учун регламент берилиши айна мудоа бўлди. Аслида ҳам оммавий

ахборот воситалари билан театринг мақсади бирлашиб, келажак авлоднинг маънавиятини юксалтиришга қаратилиши керак. Ҳар иккиси ҳам давлатнинг таянч соҳалари. Репертуарларимиз интернетдагина эмас, ойнаи жаҳонда ҳам эълон қилиниб, спектаклларимиздан анонслар бериб борилса, болаларимизда театрға қизиқиш ортади. Тўғри, ижтимоий тармоқдаги саҳифаларимизда болалар театрини кенг тарғиб қилиб бораемиз, лекин ҳамма ҳам бу интернет саҳифаларини ўқий олмайди ва улар оммавий ахборот воситалари ўрнини босмайди ҳам.

Умуман олганда, театр тарғиботида ота-оналар бошчилигида кенг жамоатчилик жиддий киришса, ўриндиқларимиз ҳаммиша ёш томошабинлар билан тўлишга муваффақ бўлиш мумкин. Ёш томошабинлар театрида болалар учун барча қулайликлар, имкониятлар яратилган, чипталар анча арзон. "Очиқ эшиклар кунини"нинг жорий этилиши муҳлисларимиз сафини кенгайтиришда муҳим омил бўлади, деб ўйлайман.

— Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театрида фаолият юритиши ўзига хослиги, бошқа театрлардан фарқли жиҳати нималарда намоён бўлади?

— Ёши катталар ҳар қандай саҳна асарини мавзу йўналиши доирасида қабул қилиб, ўзига керакли хулосани ола билади. Болаларда эса бундай кўникма шаклланмаган. Ёш томошабин театрга илк келганидаёқ унда театр санъатига муҳаббат пайдо бўлиши керак. Бу нуқтаи назардан, болалар театрида масъулият жуда катта. Биз болажонлар кўнглига йўл топиш учун энг нозик жиҳатларни ҳам инobatга олишимиз лозим.

Яхши спектаклларимиз кўп. Шундай бўлса-да, бугунги ёшларнинг диди анча нозик. Уларнинг талабига ҳар томонлама жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Шунингдек, театримиз республикага ягона. Тўғри, барча худудларда кўғирчоқ театрлари мавжуд, аммо негадир ёш томошабинлар театллари йўқ.

Вилоят театрлари репертуарларида болаларга мўлжалланган асарлар деярли учрамайди. Ҳар йили янги йил арафасидагина қирққа яқин театримизда, болалар учун "арча байрами" ўтказилади. Йил давомида эса уларга мўлжалланган спектакллар намоиш этилмайди. Уша театрлар ҳам ўз репертуарларидан бир ҳафтада бир марта болалар асарларига ўрин берсалар, бу театрға чанқоқ болалар эҳтиёжини қондириш, маънавиятини юксалтиришдан ташқари театрлар учун ҳам моддий жиҳатдан фойдадан холи бўлмайди. Қолаверса, шу орқали болаларнинг китоб ўқишга ундаш ҳам осонроқ кечади, деб ўйлайман. Ёш томошабин интернет, телевидение орқали кўриши мумкин бўлган барча саҳна асарлари барибир жонли ижрога ўшамаслигини англаб етади. Театримиз томонидан аънаванай тарзда 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини арафасида хайрия намоишлари ташкиллаштирилади. Тошкент шаҳар болалар онкология шифохонасига эса ҳар ойда хайрия спектакли билан бориб, хаста болалар кўнглини кўтариб келишга ҳаракат қиламиз.

— Пандемия шароитида ҳам театрларда иш жараёни тўхтагани йўқ. Мураккаб вазиятга қарамай, қандай режалар устида ишлаяпсизлар?

— Аслида театр — жамоавий санъат тури. Кўшиқни, рақсни ва яна бошқа санъат турларини яқка ижро этиш мумкин. Аммо театрда жамоавийликсиз ижронинг иложи йўқ. Шундай экан карантин даврида бор имкониятларимиздан фойдаланган ҳолда янги асарлар устида ишлаяпмиз. Санкт-Петербург санъат институти битирувчиси бўлган икки ҳамюртимиз диплом иши ҳимоясини театримизда ўтказадиган бўлди. Айнаи пайтда улар билан астойдил ишлаяпмиз.

Шуни мамнуният билан айтишим мумкинки, карантиндаги энг катта ютуғимиз халқимиз севиб томоша қилган "Илҳақ" фильмида унга яқин ижодий ходимимизнинг муносиб иштироки бўлди. Фильмнинг илиқ қарши олиниши, таъсирчанлигини таъминлашда ўз ҳиссамизни қўша олганимиз ҳам бир бахт. Шунингдек, халқаро ҳамкорлик бўйича театрлараро етакчи ўринларда экамимиз бизга куч бағишлаётгани ҳам таъкидлаш жоиз. "Шум бола" асарини Озарбайжонда намоиш этиш орқали миллийлигимиз, ўзига хос аъналаримизни ўзга миллат вакилларига етказа олган бўлсак, Буюк Британия, Хитой, Япония, Грузия каби давлатларга ижодий сафарларни доимий йўлга қўйишга эришдик. Энди уларнинг ҳам юртимизга ташрифи орқали болаларимиз чет эл маданиятини театрда ўтириб томоша қилишлари мумкин. Зеро, халқимизнинг "Минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши" мақоли бежиз айтилмаган.

— Томошабинлар билан боғлиқ муаммолар ҳусусида айтиб ўтдингиз. Театринг бевосита фаолияти, янада ривожланиши йўлида қандай муаммо ёки қийинчиликлар бор?

— Албатта, ҳар бир жамоанинг ўзига хос ютуқлари баробарида ечилиши лозим бўлган муаммолари, камчиликлари бўлади. Театримиз саҳнасида (биз фаолият юритаётган бино аввал "Билим" жамиятининг нотиклари учун минбар бўлган) спектакль саҳналаштириш айрим қийинчиликлар билан кечади. Театр саҳнасини ўзига хос талаблари мавжуд. Декорация жойлаштириш, актёрларнинг саҳна ҳаракатлари учун жойимиз бироз торлик қилмоқда. Шундай бўлса ҳам имкон қадар ишлаб, меҳр билан театримизга файз киритган ҳолда, ўн беш йилдирик, шу бинода фаолият юритиб келяпмиз. Энг муҳими, ҳомийимиз — Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бизни ҳаммиша қўллаб-қувватлаб келмоқда. Интернет борасидаги муаммоларимиз тўлиқ бартараф этилди. Театр биноси олдида катта монитор ўрнатилди. Шу орқали спектаклларимиз намоишсини эълон қилиб бориш имкони яратилди. Лекин бу билан катта аудиторияни қамраб ололмаймиз. Театрларға берилётган жиддий эътибор тўғрисида яқин келажакда бу каби муаммолар ҳам ўз ечимини топади, спектаклларимиз яна мароқ билан томоша қилинади.

Карантиндан сўнг, албатта, катта-катта режаларимиз амалга ошади. Ижодий сафарларимиз яна давом этади. Халқимизнинг ўзига хос театр санъатини чет элларга намоён қилишдан тўхтамаймиз. Бунинг учун бор салоҳиятимиз ва маҳоратимизни ишга солишга ҳаммиша тайёрмиз.

"Янги Ўзбекистон" муҳбири  
Муножат МҮМИНОВА суҳбатлашди.

## Ёшлар келажакимиз



Гулчехра ДУРДИЕВА,  
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Миллий гвардия Ҳарбий техник институти ҳамкорлигида ўтказилган "Адиблар хиёбони — маънавият маскани" тадбири ўзбек мумтоз адабиётининг забардаст вакили Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланди.

## АДИБЛАР ХИЁБОНИ — МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ



— Адиблар хиёбонининг яхлит меъморий ансамбли адабиётимиз намоёндаларига берилган улкан баҳо ва кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром намунаси, — дейди Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори Абдулҳай Собиров. — Бу ерда ўтказилаётган ҳар бир ижодий учрашув, маърифий тадбир ва очиқ мулоқот келажак авлоднинг ҳам адабий, ҳам илмий ва дунёвий билимларини мустаҳкамлайди. Заҳриддин Муҳаммад Бобур улуг миллатпарвар адиб ва буюк салтанат асосчиси, шу билан бира, жаҳоннинг йирик сулолаларидан бирига пойдевор қўйган инсон сифатида қадрланади. Миллатимиз маънавияти ва адабиётининг сўнмас сиймоси бўлган Бобур асарлари теранлиги ҳамда бадиий юксаклиги билан башариат мулкига айланган.

Тадбир доирасида курсантлар томонидан саҳна кўринишлари ижро этилди, улуг мутафаккир қаламига мансуб газаллардан намуналар ўқилди. Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузовнинг бадиий чиқиши барчага бирдай манзур бўлди.

"Адиблар хиёбони — маънавият маскани" мавзусидаги маърифий тадбир ёш авлоднинг улуг алломаларимиз ва бой адабий меросимизга муҳаббатини янада ошириш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир.

Тадбирда қайд этилганидек, ушбу хиёбон маънавият ва маданият масканига айланади ва бу ердан ҳақиқий адабиёт ихлосмандларининг қадами асло узилмайди. Ёшлар эса улкан ижодкорларнинг бебаҳо асарларидан баҳраманд бўлиб бораверади.